Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

7 апрель, 1972 йил, жума ◆ № 82 (15.253). ◆ Баҳоси 2 тийин.

Чигитни яхши тайёрланган ерларга сифатли экайлик

РАҲБАРНИНГ ОБРЎ-ЭЪТИБОРИ

КПСС Марказий Комитетининг ғамхўрлиги, ленинча миллий сиёсат амалга оширилганлиги тўфайли Совет Ўзбекистонида ғоявий чиниққан, билимдон давлат, хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма жабҳаларида партиянинг йўлини ишчанлик ва қатъият билан ўтказаётган кадрлар вояга етди. Раҳбар кадрларимиз халқ орасидан чиққан кишилардир. Район ва шаҳар партия комитетлари биринчи ва иккинчи секретарларининг 35 процентдан кўпроғи, шаҳар ва район ижроия комитетлари раёсларининг учдан бири, совхоз директорлари ва саноат корхоналари раҳбарларининг деярли ярми ўз фаолиятини оддий ишчи ёки колхозчиликдан бошлаган.

Кейинги вақтларда кўпгина партия комитетлари, совет ва жамоат ташкилотлари, бир қанча министрликлар, идоралар ва корхоналар сиёсий етук, ўқимишли, тажрибали ва малакали кадрлар билан мустаҳкамланди. Совет аппарати, халқ контроли органлари, касаба союз, комсомол ва хўжалик ташкилотлари учун кадрлар тайёрлаш яхшиланди. Меҳнатда чиниққан, амалий ишда ўзини кўрсатган, ғайратли, ташаббускор кишилар бу ташкилотларда йил сайин кўпайиб бормоқда.

КПСС XXIV съезди раҳбар кадрларнинг роли ва масъулиятини янада ошириш лозим, деб таъкидлади. Съезд қарорларида кўрсатиб ўтилганидек, партия ва халқ олдида турган улуғвор вазифалар раҳбар зиммасига катта юмушлар юклайди, раҳбар кадрлар бошқарувнинг замонавий методларини пухта билишлари, рўёбга чиқаётган муаммоларни тезлик билан пухта ҳал этишлари, коллективнинг ақлзаковати ва тажрибасидан омилкорлик билан фойдаланишлари лозим. Партия сиёсатини, партия йўлини қатъият ва собитқадамлик билан амалга ошираётган раҳбар кадрларимиз сиёсий ва хўжалик раҳбарлигининг ленинча принципларига қатъий риоя қилмоқдалар. Шу боисдан ҳам уларнинг обрў-эътибори ва халқ нўз ўнгидаги нуфузи ортиб бормоқда.

В. И. Ленин «Агар биз ишчи ва деҳқонларни виждонан интизомга ўргатадиган бўлсак, буни аввало ўзимиздан бошламоғимиз шарт» деб уқтирарди. Тажриба шундан далолат бериб турибдики, раҳбар ходимнинг меҳнатсеварлиги, принципиаллиги, топширилган иш учун жавобгарлиқ ва масъулиятни чуқур ҳис этиши коллективдаги маънавий вазият учун катта аҳамиятга эгадир. Бундай раҳбар эътибор қозонади, унга элнинг назари тушади, эъзозланади. Давлат, халқ манфаати йўлида ҳормай-толмай ишлаётган ва шу тариқа коллективга ўрнак бўлаётган, ўзига ва ўзгаларга талабчан ходимлар меҳнаткашларнинг меҳрини қозонмоқда.

Кадрларга баҳо беришда уларнинг тажрибаси муҳим омил ҳисобланади. Бу эса стажга ва умумий тайёргарликка боғлиқдир. Партия ўзининг олтин фонди бўлган кекса, тажрибали кадрларнинг ҳурматини ўрнига қўяди. Партия Марказий Комитетининг КПСС XXIV съездига ҳисобот докладида ўртоқ Л. И. Брежнев уқтириб ўтганидек, «Бизнинг кадр танлаш соҳасидаги сиёсатимиз кекса кадрларга эҳтиётлик билан муносабатда бўлиш, уларнинг тажрибаси ва билимидан тўла фойдаланиш билан бир қаторда ёш, истиқболли ходимларни пастдан юқорига кўтаришга қаратилгандир. Бу эса партия сиёсий йўлининг, унинг революцион традицияларининг давомийлиги учун муҳим шартдир». Биз фан ва техниканн яхшилаб эгаллаб олган, турғунликка, эскиликка ва қолоқликка қарши дадил курашаётган ёшларни раҳбарлик лавозимларига дадил кўтаришимиз лозим. Ёшларни пастдан юқорига кўтариш уларнинг қобилиятларини ва истеъдодларини янада камолга етказишда рағбатлантирувчи воситадир. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган VI Пленумида таъкидлаб ўтилганидек, айрим идоралар ва министрликлар истеъдодли ёш ходимларни юқорироқ лавозимларга кўтариб қўйишга етарлича эътибор бераётганлари йўқ. Бир қанча шаҳар ва район партия комитетларининг аппаратларида, айниқса Самарқанд, Фарғона областларидаги ҳамда Қорақалпоғистон АССР шаҳар ва район партия комитетларининг аппаратларида ёш ходимлар сони кейинги йилларда камайиб кетди.

КПСС Марказий Комитети хўжалик иши билан тарбиявий иш ўзаро узвий боғлаб олиб борилиши лозимлигини таъкидламоқда. Бу социалистик жамиятнинг табиатидан келиб чиқаётган талабдир. Замонамиз раҳбари бағри кенг, кўнгли тоза, камтар, меҳрибон, маданиятли ва билимдон бўлиши шарт. Раҳбар ходим ўз ишини пухта билиши билан бир қаторда киши руҳининг инженери бўлиши лозимлигини давр тақозо этмоқда. Республикамиз халқ хўжалигида 265 мингга яқин олий маълумотли ва 285 минг махсус ўрта маълумотли мутахассис ишламоқда. Бу кадрларнинг ярмидан кўпроғи маҳаллий миллат вакилларидир. Завод ва фабрикаларга, цех ва участкаларга, колхоз ва совхозларга, бригада ва фермаларга раҳбарлик қилаётган минг-минглаб кадрларимиз ишни пухта уюштирмоқдалар, одамлар кўнглини топмоқдалар, ишлаб чиқариш самарадорлигини муттасил ошиб боришига, янги техника ва технологиянинг жорий этилишига эришмоқдалар. Биз ана шундай етук кадрларимиз билан фахрланамиз. Халқ хўжалигимизнинг бундан буёнги ривожи ана шу кадрларнинг билими ва тажрибасини яна ҳам ошиб боришига боғлиқлиги аёндир.

Лекин баъзи раҳбарлар борки, улар ўзларини ҳамма нарсага қодир деб ҳисоблайдилар, кибр-ҳавога ружу қилиб, ҳамкасб ўртоқларининг, коллективнинг фикрини инобатга олмай қўядилар. Ўзига бино қўйган айрим ходимлар ҳам учрайдики, улар меҳнаткашлар дилини ранжитади, қўпол муомала қилади, маъмуриятчиликка берилиб кетган. Ворошилов районидаги «Социализм» совхозининг собиқ директори И. Султонов хўжалик аҳлини менсимай қўйди, кўрслик қилди, мутахассисларни менсимади, уларнинг фикрига қулоқ солмади. Хўжалик партия комитети ўз мажлисида унинг ҳулқатворини муҳокама қилди ҳамда қўполлиги, қўл остидаги ходимларга дағал муомалада бўлганлиги учун партия жазоси берди. Кейинчалик у вазифасидан четлатилди.

КПСС Марказий Комитети яқинда «Череповец металлургия заводидаги раҳбар инженер-техник ходимларнинг коллектив аъзоларига ғоявий-сиёсий тарбия беришда қатнашуви тўғрисида», «Минск трактор заводи партия ташкилотининг меҳнаткашлар коллективининг ишлаб чиқариш ва ижтимоий-сиёсий активлигини ошириш борасидаги иши тўғрисида» қарорлар қабул қилди. Бу ҳужжатлар жуда катта умумпартиявий аҳамиятга молликдир. Улар партия қурилиши тажрибасини бойитади, кадрлар билан ишлаш борасида ҳам янги талаблар қўяди.

Партия ишига садоқат, ғоявий етуклик, поклик ва халоллик, ҳамиша халқ билан, меҳнаткашлар коллективи билан мустаҳкам алоқада бўлиш раҳбар ходимнинг фазилати, обрў-эътиборининг манбаидир. Жонажон партиямиз кадрларни ўқитиш ва вояга етказиш ҳақида, уларнинг роли ва таъсирини ошириш тўғрисида ҳамиша ғамхўрлик қилиб келмоқда. Ленин партияси тарбиялаб камолга етказган раҳбар ходимларнинг обрў-эътибори ортиб бормоқда. Улар коммунистик қурилишнинг ишбошилари, коллективнинг ташкилотчилари ва мураббийларидир.

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ районидаги «Политотдел» колхозида чигит экиш уюшқоқлик билан бошлаб юборилди. Деҳқонлар баҳорнинг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланмоқдалар. Фотомухбиримиз И. Глауберзон олган ушбу суратларда 8-бригада механизаторлари А. Қаршибоев ва Ю. Ким ўртоқларнинг чигит экиш пайти тасвирланган.

ЧИГИТ ЭКИШ КУНДАЛИГИ

Узбекистон ССР областларида чигит экишнинг борыши тўғрисида 1972 йил 6 апрелга бўлган МАЪЛУМОТ

(Биринчи стун — областлар; иккинчи стун — чигит экилган майдон (минг гектар ҳисобида), учинчи стун — планга нисбатан процент ҳисобида).

Тошкент	4,5	3,4
Сирдарё	2,4	1,1
Фарғона	1,5	0,8
Наманган	10,4	7,7
Андижон	7,0	3,8
Самарқанд	0,2	0,1
Бухоро	1,9	1,2
Қашқадарё	0,5	0,5
Сурхондарё	12,5	10,0
Хоразм	—	—
ҚҚ АССР	—	—
Республика бўйича:	40,9	2,5

РАСМИЙ ХАБАРЛАР

Н. В. ПОДГОРНИЙ ЖАН ШЕРИУНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний 6 апрелда Кремлда Париж муниципал кенгашининг раиси Жан Шериуни қабул қилди.

Самимий, дўстона вазиятда ўтган суҳбатда Москва Совети ижроия комитетининг таклифига биноан Москвага меҳмон бўлиб келган Париж муниципал кенгаши делегациясининг аъзолари, шунингдек Франциянинг Совет Иттифоқидаги элчиси Роже Сейду иштирок этдилар.

Совет томонидан суҳбатда Москва Совети ижроия комитетининг раиси В. Ф. Промислов қатнашди. (ТАСС.)

А. Н. КОСИГИН ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Ташқи савдо министрлигининг таклифига биноан СССРда меҳмон бўлиб турган Франциянинг «Ренс» давлат компанияси президенти Пьер Дрейфусни 5 апрелда Кремлда қабул қилди.

СОВЕТ ПАРТИЯ-ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ИРОҚҚА ЖЎНАБ КЕТДИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин бошчилигидаги совет партия-ҳукумат делегацияси 6 апрелда Москвадан Ироққа жўнаб кетди. Делегация Шимолий Румайладаги биринчи йирик миллий нефть кони фойдаланишга топширилиши муносабати билан бўладиган тантаналарда қатнашади.

Внуково аэродромида делегацияни Д. С. Полянский, М. С. Соломенцев ўртоқлар, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар. (ТАСС).

МУКОФОТЛАР МУБОРАК

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

А. Б. ҚАҲҲОРОВ ВА Б. Э. ТИЛЛАЕВНИ «ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШДАГИ АЪЛО ХИЗМАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Жамоат тартибини сақлашдаги ва жиноятчиликка қарши курашдаги хизматлари учун «Главсредазирсовхозстрой» шофери Абдурашид Баҳовиддинович Қаҳҳоров ва Тошкент шаҳридаги 121-автобаза шофери Ботир Эминжонович Тиллаев СССР Олий Совети Президиуми номидан «Жамоат тартибини сақлашдаги аъло хизмати учун» медали билан мукофотлансин.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ.
Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПУЛАТОВА.

1972 йил, 6 апрель, Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

У. Ҳ. ҲАЛИМОВАГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ФАН ВА ТЕХНИКА АРБОБИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР озиқ-овқат саноати системасида кўп йил самарали ишлаганлигини, ёғ-мой саноатида фан-техника тараққиётини ривожлантиришдаги хизматларини назарда тутиб Бутуниттифоқ ёғ илмий тадқиқот институти Ўрта Осиё филиалининг директори Убайда Ҳасановна Ҳалимовага «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби» фахрий унвони берилсин.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ.
Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПУЛАТОВА.

1972 йил, 6 апрель, Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

В. Л. КОЛЬЧУГАНОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ИРРИГАТОР» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика сув хўжалигини ривожлантириш ишидаги катта хизматлари учун СССР Госплани кичик бўлимининг бошлиғи Виктор Логинович Кольчугановга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ирригатор» фахрий унвони берилсин.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ.
Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПУЛАТОВА.

1972 йил, 6 апрель, Тошкент шаҳри.

✦✦

ҚАРДОШЛАР МУСОБАҚАСИ

ҚЎЛ БЕРИНГ, БЕЛЛАШАМИЗ!

ТУРКМАНИСТОН ССР ТОШОВУЗ ОБЛАСТЬ, ИЛОНЛИ РАЙОНИДАГИ ЛЕНИН НОМЛИ КОЛХОЗНИНГ БРИГАДА БОШЛИҒИ, СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНИ АБИШ ОМОНОВАГА ХАТ

Элларимиз, ерларимиз бир-бирига туташ, дилларимиз бир-бирига пайванд. СССР халқларининг ягона оиласида гуллаб-яшнаётган серқуёш Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидаги социалистик мусобақа олижаноб анъанага айланган.

Бутун мамлакат СССРнинг 50 йиллигини нишонлашга ҳозирланаётган ана шу улуғ айёмда сизга ушбу мактуб билан мурожаат қилишни маъқул кўрдим.

Аввало, шуни айтмоқчиманки, Тошовуз области пахтакорларининг доврўғи, сиз меҳнат қилаётган Ленин номли колхознинг шуҳрати бизга маълум. Сизнинг номингиз ҳам «зангори экран» ва газеталар орқали бизга яхши таниш бўлиб қолди.

Дўстим ва ҳамкасбим Абиш опа!

Бригадамиз аъзолари билан маслаҳатлашиб, сиз бошчилик қилаётган бригадани социалистик мусобақага чақиришга қарор қилдик. Мусобақанинг мақсади — СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигига муносиб тўёна тайёрлашдан иборат.

Мусобақа шартлари тўғрисида гапиришдан аввал ўтган йилнинг якунларига қисқача тўхталмоқчиман.

Янги беш йилликнинг биринчи йилида колхозимиз бўйича гектаридан 37,7 центнердан пахта ҳосили олинди. Бригадамизга қарашли 102 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 56 центнердан хирмон кўтардик. Ҳосилнинг деярли ҳаммаси машиналарда терилди. Мен ўзим «Ўзбекистон» агрегатида 350 тонна пахта тердим.

Комплекс механизацияни жорий этиш туфайли ҳосил таннархи йилдан-йилга камайиб бормоқда. Ўтган йили бир центнер пахтанинг таннархи 17 сўмни ташкил этди. Киши-кунининг қиймати 7 сўм 70 тийинга етди. Раззоқ Евбосаров, Йўлдош Дурдиев, Саломат Курбонбоева, Марям Машарипова каби механизаторлар машина теримида алоҳида ибрат кўрсатдилар. Ҳалол меҳнат туфайли уларнинг даромади ҳам баракали бўлди.

Энди бу йилги режаларимизни айтиб ўтай. Колхозимизда пахта ҳосилдорлиги 40 центнерга етказилади, ялпи ҳосилнинг 80 проценти машиналарда терилади.

Бригадамиз аъзолари 110 гектар майдонда пахта етиштиришга, гектаридан 60 центнердан хирмон кўтаришга, бутун ҳосилни «зангори кема»лар билан йиғиб олишга бел боғладилар. Бу йилги мавсумда ўзим машинада 400 тонна пахта тераман. Ана шу ваъдага вафо қилишга қатъий сўз берамиз ва сизларни социалистик мусобақага чақирамиз.

Шу кунларда чигит экишни қисқа фурсатда ўтказиш учун курашмоқдамиз. Ҳар гектар ер ҳисобига 15 тонна гўнг тайёрлаб, далага чиқарилди. Бу кўрсаткич 20 тоннага етказилади. Техника тўла тахт этилди.

Бизнинг таклифимизни қабул қилсангиз, социалистик мусобақа асосида елкама-елка туриб ишлаб, пахта етиштиришни кўпайтиришга биргаликда баракали ҳисса қўшсак, айни муддао бўлур эди.

Қўл беринг, беллашайлик! КПСС XXIV съезди белгилаб берган вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш, СССРнинг ярим асрлик тўйини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун бутун куч-ғайратимизни сарф қилайлик!

Ўғилжон НУРУЛЛАЕВА,
Хоразм область Қўшкўпир районидаги «Тошкент» колхозининг комплекс механизациялашган бригадаси бошлиғи, Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган механизатор.

ТАШАББУС ҚАНОТ ЁЙСИН!

ХОРАЗМ ОБЛАСТЬ, ҚУШКЎПИР РАЙОНИДАГИ «ТОШКЕНТ» КОЛХОЗИНИНГ КОМПЛЕКС МЕХАНИЗАЦИЯЛАШГАН БРИГАДАСИ БОШЛИҒИ, УЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КУРСАТГАН МЕХАНИЗАТОР ҲҒИЛЖОН НУРУЛЛАЕВАНИНГ ХАТИГА ЖАВОБ

Ҳурмэтли ҳамкасбим Ўғилжон!

Мактубингизни ўқиб, беиҳтиёр хурсанд бўлдик. Дарҳақиқат, шу кунларда ҳар биримиз СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигига лойиқ армуғон тайёрлаш фикри-зикри билан нафас олмоқдамиз.

Мусобақалашишни таклиф этибсиз. Бу чақириғингизни жон-дилдан қабул қилсам, бригадамиз барча аъзоларининг фикрини ифодалаган бўламан. «Ён қўшним — жон қўшним», деб бечиз айтилмаган. Узбек ва туркман деҳқонлари Аму соҳилида оға-инидек яшаб, қишлоқ хўжалигини юксалтириш учун биргаликда кураш олиб бормоқдалар. Каналлар ва магистрал коллекторлар умумий куч билан қазилди, йирик гидроиншоотлар қурилди.

Илғор тажрибаларни ўртоқлашиш, қийинчиликларни биргалашиб енгиш туфайли умумий юксалишга эришмоқдамиз. Шу факт қувончлики, Узбекистон машинасозлари етказиб берган 18 та «зангори кема» ва бошқа техника воситалари колхозимиз деҳқонларининг қаноти бўлиб хизмат қилмоқда. Бизда 9 та тўрт қаторли «Узбекистон» агрегати бор эди, яқинда бу ажойиб машинадан яна тўрттасини олдик.

Бултур колхозимизда етиштирилган 4345 тонна ҳосилнинг 1850 тоннаси машиналар билан терилди. Бу йил ялпи пахта ҳосилининг ярмини машинада териш кўзда тутилмоқда.

Колхозимиз 1245 гектар майдонда ўтган йили гектаридан 34,9 центнердан пахта йиғиб олди. Бу йилги марра — 40 центнер.

Бригадамиз ҳақида гапирадиган бўлсам, кўрсаткичимиз ҳали бир оз паст. Биз қум этагида ўзлаштирилган 90 гектар ерга чигит экиб, ҳосилдорликни 35 центнерга етказдик. **Бу йил ҳар гектар майдондан 45 центнер пахта етиштириш, бутун ҳосилнинг 80 процентини машинада териб олиш қатъий аҳдимиздир.**

Ана шу юксак мажбуриятни ўз устимизга олиб, сизнинг чақириғингизга қўшиламиз. Ўртамиздаги социалистик мусобақа умумий ишга катта манфаат келтиришига шубҳа йўқ.

Колхозимиз — Тошовуз областидагина эмас, бутун Туркманистонда пахтачиликда доврўғ қозонган хўжаликлардан бири. Пахта усталаридан 12 киши Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига мушарраф бўлди. Улар орасида Муҳаммад Мамиев, Жўма Урозбердиев, Ўғилжон Пўтанова, Новот Урозгелдиева каби дала заҳматкашлари бор. Биз пахтакорлик касбимизни янада улуғлаш йўлида куч-ғайратимизни аямаймиз. Шу кеча-кундузда чигит экишни тезкорлик билан ўтказмоқдамиз.

Сўзимни тамомлаётиб, мен шундай бир истак билдирардим: Кардошлар ўртасида социалистик мусобақа ҳаракати — олижаноб ташаббусдир. Бу ташаббус ҳамма ерда кенг қанот ёйсин. **Районлар, колхоз ва совхозлар, бригадалар, механизаторлар ўртасидаги мусобақа қардошларимиз билан дўстликни бундан буён ҳам мустаҳкамлайдиган қудратли ҳаракатга айлансин.**

Қўлни-қўлга бериб, янгидан-янги меҳнат зафарларига эришайлик. СССРнинг 50 йиллигини янги беш йиллик режаларини бажариш соҳасида улкан ютуқлар билан кутиб олайлик!

Абиш ОМОНОВА,
Туркманистон ССР, Тошовуз область, Илонли районидаги Ленин номли колхознинг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

АШУЛА БАЙРАМИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республикада ашулачилик санъатини янада ривожлантириш, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда бу санъатнинг ролини ошириш мақсадида ҳар йили ашула байрами ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу байрам халқларнинг ленинча дўстлигини, Октябрь қаҳрамонларини, коммунизм қурувчиларнинг жўшкин бунёдкорлик меҳнатини, севикли Ватанимизнинг қудратини тараннум этиши керак. Ана шу байрамда халқ қўшиқлари, революцион, ҳозирги замон совет қўшиқлари ижро этилади.

Ашула байрами ҳар йили май ойида район ва шаҳарларда, июнь ойида областларда ва сентябрь ойида республика миқёсида — Тошкентда ўтказилади.

Бу йилги ашула байрами СССР ташкил топган кунининг 50 йиллигига бағишланади.

Байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун Узбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. Ҳ. Абдуллаева бошчилигида ташкилот комитети тузилди.

Оммавий совет қўшиқлари, ҳарбий-ватанпарлик қўшиқлари ва мамлакатимиздаги қардош халқлар қўшиқларини яхши ижро этган коллективларни рағбатлантириш кўзда тутилади. (ЎзТАГ).

ГФРДАН КЕЛГАН МЕҲМОН

Германия Федератив Республикаси Шимолий Рейн — Вестфалия ўлкасининг бош министри Гейнц Кюн Тошкентга келди. РСФСР ташқи ишлар министрининг ўринбосари Л. Н. Соловьев меҳмонга ҳамроҳлик қилмоқда.

6 апрелда Гейнц Кюн Узбекистон ССР Министрлар Советида қабул қилинди. Дўстона суҳбатда Узбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари А. Р. Ҳўжаев ва Узбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, ташқи ишлар министри М.Турсунов уни республика экономикаси ва маданиятининг ривожи билан таништирдилар.

ГФРдан келган меҳмон шу куни Тошкентнинг янги қурилишларини ва бошқа диққатга сазовор жойларини кўздан кечирди, Узбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида бўлди. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми театр ва кино санъати соҳасидаги кўп йиллик самарали ижодий фаолияти ва туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан Ҳамза номли Ленин орденли Ўзбек давлат академик драма театрининг артисти Наби Раҳимовни Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми Узбекистон ер-сув ресурсларини ўрганиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги кўп йиллик, самарали ишлари ва туғилган кунига етмиш йил тўлиши муносабати билан Узбекистон ССР Фанлар академияси республика ишлаб чиқариш кучлари кенгашининг катта илмий ходими Дмитрий Мефодиевич Гавриленкони Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

БЕХАТАР УЧАВЕР

✦ Тошкент самолётсозларининг ажойиб ютуқлари

✦ «ИЛ-62» ҳаво лайнери мамлакатда биринчи бўлиб Ўзбекистон пойтахтида капитал ремонт қилинмоқда.

✦ Ҳозирги замон саноат комплекси вужудга келтирилади.

Мовий кенгликлар сари шитоб билан кўтарилган кумушранг ҳаво лайнери аста-аста кичрайиб, кейин бутунлай кўринмай қолди. Юк ва йўловчиларни олиб парвоз этган бу ҳаво лочини белгиланган маршрут билан учиб кетди...

Тошкент аэропортидан ҳар куни бундай самолётлардан бир нечаси учиб кетади ва бирнеча шундай самолёт кенг бетон майдончага келиб қўнади. Лекин, бу гал парвоз этган «ИЛ-62» самолётининг бошқача ҳосияти бор эди.

Тошкент авиация ремонт заводининг коллективи яқинда ижодий меҳнатда катта ғалабани қўлга киритди. «ИЛ-62» самолёти сингари улкан ҳаво лайнерлари мамлакатимизда биринчи бўлиб Тошкентда ремонт қилинадиган бўлди.

Ҳозирги замон самолётларини ремонт қилишдек катта ва мураккаб вазифани адо этиш осон иш эмаслиги ҳаммага маълум нарса. Чунки, бундай ремонт программасига қанчадан-қанча машаққатли ишлар киради, ахир. Бу соҳада ремонтчилар ҳозирги замон автоматларидан, ҳисоблаш машиналаридан, аниқ станоклардан, энг яхши технологиядан ва бошқа бир қанча, турли-туман асбоб-ускуналардан фойдаланадилар.

Дастлабки изланишлар, ижодий ишлар ва сарфланган меҳнат ўзининг яхши самарасини кўрсатди. Бекаму-кўст ремонт қилинган ҳаво лайнерлари бепоён диёримиз осмонида муваффақиятли парвоз эта бошлади.

Авиаремонтчилар ўзлари эришган ютуқдан ғоятда мамнундирлар. Чунки ғундай улкан ҳаво лайнерларини мамлакатимизда биринчи марта ремонт қилишдек мураккаб вазифа бажарилди ва ишонч тўла оқланди. Бу ғалаба Тошкент ремонтчиларини янгидан-янги зафарларга отлантирмоқда.

Ҳозир авиаремонтчилар корхона қувватини янада ошириш тадбирларини кўрмоқдалар, ташкилий-техникавий вазифаларни ҳал этиш устида иш олиб бормоқдалар. Чунки, корхонани ҳозирги замон саноат комплекси билан тўла қуроллантириш зарур масала бўлиб қолди.

Завод ўзининг моҳир самолётсозлари билан фахрланса бўлади. Чунончи, ажойиб монтажчи Евгений Мячинни олинг. У самолётнинг гироскопик асбобларини ремонт қилиш бўйича иш олиб борадиган лабораторияда энг мураккаб топшириқни бажариб келмоқда. Унинг ҳамкасб дўстлари — ажойиб монтажчилардан Владимир Кастанов ва Анатолий Липинлар ҳам шу лабораторияда ғоятда нозик вазифани бажаришади.

Корхона коллективи ўртасида бундай қўли гул усталарнинг анчагина борлиги жуда қувончлидир. Масалан энг яхши ремонтчилар ҳақида гап борганда электр монтажчиларидан Владимир Орехов, созловчи слесарлардан Леонид Назаренко ҳамда монтажчи Одил Раҳимовларнинг номи албатта тилга олинади. Электр монтажчилардан Григорий Якунин ҳам доим илғорлар қаторида юради. Шу кунларда илғор самолётсозлар СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллиги шарафига ўз ўстларига оширилган мажбурият олиб ишламоқдалар.

Бунда унчалик катта сир йўқ албатта. Лекин ҳар ҳолда корхона коллективи орасида ана шундай фидокор ишчилар, қўли гул ремонтчилар, ўз ишига омилкор кишиларнинг борлиги ва айниқса уларнинг ўз устларидаги масъулиятли вазифани чуқур ҳис этиб меҳнат қилишлари ҳамманинг ҳавасини келтиради.

Тошкент авиаремонтчилари катта синовдан ўтдилар. «ИЛ-62» ҳаво лайнерининг сифатли қилиб ремонтдан чиқарилган туркумлари бундан далолат бериб турибди.

Суратларда: (Чапдан ўнгга) электр монтажчилардан Владимир Орехов, созловчи слесарь Леонид Назаренко, монтажчи Одил Раҳимовлар ва ремонт қилинаётган «ИЛ-62» лайнери ҳамда моҳир монтажчи Анатолий Липинлар тасвирланган.

А. Горокрик фотолари (ЎзТАГ фотохроникаси).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

ЖАНГОВАР ЗВЕНОЛАР

Бошланғич партия ташкилотлари, унинг таркибий қисми бўлган партия группалари ва цех партия ташкилотларининг вазифалари кўп қиррали ва ғоят масъулиятлидир. Партия турмушининг бузилмас қонуни бўлган КПСС Уставида, партиямиз XXIV съезди ва Ўзбекистон Коммунистик партияси XVIII съезди қарорларида бу вазифалар аниқ баён қилиб берилган.

Бошланғич ва цех партия ташкилотларининг омманинг етакчиси ва сиёсий тарбиячиси сифатидаги роли тинмай ошиб бораяпти. Улар меҳнаткашлар ўртасида бевосита иш олиб бориб, оммани партия сиёсатини амалга оширишга, коммунизм қурилиши соҳасидаги улуғвор вазифаларни ҳал этишга моҳирлик билан сафарбар қилмоқдалар.

КПСС XXIV съезди ва партия Марказий Комитетининг кейнги Пленумлари қарорларини амалга ошира бориб, Урганч шаҳар партия ташкилотлари партиявий-ташкилий ва сиёсий-тарбиявий ишлар савиясини анча яхшиладилар. Айниқса Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети II Пленуми қарори асосида бошланғич ва цех партия ташкилотлари фаолияти янада кучайтирилди. Устав талабларига оғишмай амал қилишда ҳар бир коммунистнинг масъулияти кучайтирилди, партия йиғилишларида, партком ва партбюро мажлисларида қабул қилинган қарорлар ижроси қаттиқ назорат остига олинди.

Шаҳар партия комитети, бошланғич партия ташкилотлари халқ хўжалигининг турли тармоқларида партиявий таъсирни кучайтириш тадбирларини изчиллик билан амалга оширмоқдалар. Шу йилнинг ўтган даврида янгидан ўн битта цех партия ташкилоти ва ўн саккизта партия группаси ташкил топгани сўзимизнинг яққол далилидир. Ҳозирги вақтда шаҳарда 70 та цех партия ташкилоти ва 127 та партия группалари ишлаб турибди.

Экскаватор-ремонт заводи, ёғ заводи, В. И. Ленин номли тикувчилик фабрикаси ва бошқа кўпгина корхоналар бошланғич партия ташкилотларининг ибратли тажрибалари диққатга сазовордир. Цех партия ташкилотларига, партия группаларига раҳбарликни такомиллаштириш соҳасида олиб борилган амалий ишлар, тинимсиз изланишлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

В. И. Ленин номли тиқувчилик фабрикаси партия бюросининг фаолияти тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтмоқчимиз. Партбюро аъзолари ва унинг секретари О. Ҳанимова партия ташкилотининг жанговарлигини ошириш, ташкилий тузилишини яхшилаш масаласига доимий равишда эътибор бермоқдалар. Бу ерда тузилган тўртта цех партия ташкилоти ҳисобида 154 коммунист бор. Тажрибали, ташаббускор коммунистлардан А. Авазова, Р. Раҳимова, Р. Жабборова, Р. Машариповалар цех партия ташкилотлари секретарларидир. Ишнинг перспектив план асосида уюштирилаётгани, КПСС Устави талабларига қаттиқ риоя қилинаётгани, ташкилотчилик ва сиёсий ишлар савияси тинмай оширилаётгани сабабли цех партия ташкилотларининг фаолияти тобора яхшиланиб бораяпти.

Партия йиғилишлари мунтазам, пухта тайёргарлик билан ўтади. Энг актуал масалалар кун тартибига киритилади. Цех партия ташкилотлари йиғилишида тўққизинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани уюштириш, иқтисод қилиш ва тежамкорлик учун кураш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, маҳсулот сифатини яхшилаш, ишлаб чиқаришда ва жамоат ишларида коммунистларнинг авангардлик ролини ошириш каби ҳаётий муҳим масалалар муҳокама қилинди. Қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши устидан кундалик назорат ўрнатилди.

Партиянинг қуйи звеноси бўлган партия группалари ишига алоҳида эътибор берилмоқда. Тикувчилик фабрикаси бошланғич партия ташкилотида ўн тўртта партия группаси бор. Улар коммунистларнинг авангардлигини таъминлаш, ҳар бир кишининг умумий иш учун масъулиятини кучайтириш, сиёсий-тарбиявий ишларни давр талаби даражасида уюштириш масалаларини диққат-марказида тутмоқдалар.

Партияга қабул — партия ташкилоти фаолиятининг муҳим соҳасидир. КПСС сафига кирувчиларни тайёрлаш, ёш коммунистларни тарбиялаш соҳасида партия группалари, цех партия ташкилотлари катта иш олиб бораётирлар. Партияга кирувчиларнинг аризалари дастлаб партия группалари ва цех партия ташкилотларида муҳокама қилинади. Сўнгра умумий партия йиғилиши муҳокамасига киритилади.

Фабрика коммунистларининг жамоат ишларидаги активлиги ошиб бормоқда. Партия ташкилоти ҳисобидаги 154 коммунистдан 143 киши доимий партия топшириғига эга. Топшириқларнинг бажарилиши ҳақида коммунистлар цех партия ташкилоти йиғилишида ҳисоб бериб борадилар. Коммунистларнинг ўқиши, ўз устида ишлаши, ғоявий чиниқиши — ҳамиша диққат марказида. Цех партия ташкилоти секретарларининг доимий семинарлари, партия группаси ташкилотчиларининг мактаби ташкил этилган.

Шаҳар партия комитети бошланғич партия ташкилотларининг цех партия ташкилотларига раҳбарлиги қандай аҳволда эканлигини чуқур ва батафсил ўрганди. Бу ишга шаҳар партия комитети аъзолари партия ташкилотларининг тажрибали секретарлари жалб қилинди. Улар орасида шаҳар партия комитети аъзоларидан Б. Ёқубов, В. Костаков, Е. Чжен, партия ташкилотлари секретарларидан А. Кудяков, С. Раҳимбоев, Ю. Билялов, А. Ваисов, А. Ганичкин ва бошқалар бор эди. Текшириш якунлари шаҳар партия комитетининг бюро мажлисида муҳокама этилди.

Пахта тозалаш заводи, умумий озиқатланиш трести ва бошқа айрим бошланғич партия ташкилотлари секретарларига ишда йўл қўйилган жиддий камчиликлар кўрсатиб ўтилди, бюро қарорининг бажарилиши юзасидан шаҳар партия комитетига ахборот бериш топширилди. Цех партия ташкилотларида, партия группалари мавжуд бўлган барча бошланғич партия ташкилотларида шаҳар партия комитети бюросининг қарори муҳокама қилинди.

Шаҳар партия комитети бошланғич партия ташкилотларининг партия группаларига ва цех партия ташкилотларига раҳбарликнинг форма ва методларини такомиллаштира бориб, партия ташкилоти секретарлари составини яхшилашга, уларнинг ўқишига катта аҳамият бермоқда. Бундан икки йил илгари партия группалари ташкилотчилари ва цех партия ташкилотлари секретарлари орасида бошланғич маълумотли кишилар ҳам бор эди. Эндиликда секретарлар составининг катта кўпчилиги олий ва ўрта маълумотга эгадирлар.

Шаҳарда бошланғич ва цех партия ташкилотлари секретарлари ҳамда партия группалари ташкилотчиларининг доимий ўқуви ташкил қилинган. Бошланғич партия ташкилотларида ойда бир марта, шаҳар партия комитети қошида ҳар уч ойда бир марта партия группалари ташкилотчиларининг семинарлари ўтказилмоқда. Шаҳар партия комитети ҳисобот-сайлов йиғилишларидан кейин цех партия ташкилотлари секретарлари ва партия группалари ташкилотчиларн билан семинар ўтказди.

Шаҳар партия комитети партия кучларини жой-жойига қўйишни яхшилашга, ишлаб чиқаришда ва ижтимоий-сиёсий ҳаётда ҳар бир коммунистнинг активлигини оширишга ҳамма вақт яқиндан эътибор бермоқда. Беш йил ичида бошланғич партия ташкилотлари сони саноат корхоналарида 16 тадан 21 тага, транспорт ташкилотларида 13 тадан 25 тага, қурилиш ташкилотларида 14 тадан 29 тага етганлигини айтиб ўтиш кифоя.

Шу кунларда шаҳар меҳнаткашлари ўзларининг бутун куч-ғайратларини тўққизинчи беш йиллиқнинг улкан режаларини муддатидан олдин амалга оширишга қаратмоқдалар. Бошланғич ва цех партия ташкилотлари, партия группалари омманинг бу курашига, социалистик мусобақага бошчилик қилиб, ташкилотчилик ва сиёсий ишни юксак даражага кўтаришлари керак. Барча бошланғич ва цех партия ташкилотлари фаолияти Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети VI пленумининг «КПСС XXIV съезди қарорлари асосида кадрлар билан ишлашни янада яхшилаш тўғрисида» қабул қилган қарорининг изчил бажарилишига қаратилмоғи лозим.

Бизда ҳали ҳам қолоқ корхоналар, цехлар, планларни бажармаётган қурилиш ташкилотлари бор. Меҳнат унумдорлигини ошириш ва бошқа иқтисодий кўрсаткичлар ҳамма жойда ҳам кўнгилдагидек эмас. Бу бошланғич партия ташкилотлари ва унинг қуйи звенолари ишини янада яхшилаш зарурлигини тақозо қилади. Шаҳар партия комитети бошланғич ва цех партия ташкилотлари, партия группалари ролини талаблар даражасига кўтариш учун ҳамма чора ва тадбирларни кўради.

Л. АСҚАРОВА,
Урганч шаҳар партия комитетининг биринчи секретари

ХУШ ХАБАРЛАР

САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА

МАЙ ОЙИ ҲИСОБИГА

Катта Наманган канали қурилишида аҳиллик намунасини кўрсатиб ишлаётган область сув иншоотлари қурилиши трести-нинг 3-механизациялашган кўчма колоннаси ишчилари улкан муваффақиятларни қўлга киритишяпти. Маҳмуд Эгамбердиев, Исмат Зиёвуддинов, Сотиболди Абдураҳмов сингари бульдозерчилар белгиланган кунлик топшириқларни 1,5-2 ҳисса адо этишяпти.

А. ҲАБИБУЛЛАЕВ,
3-механизациялашган кўчма колонна бульдозерчиси, коммунистик меҳнат зарбдори.

КАСБИНИ УЛУҒЛАЙДИ

Ғиждувон таксомотор парки коллективининг ҳурматига сазовор бўлган, шоферлар жонкуяри Қурбон Бафоев 18 йилдан бери электриклик касбини улуғлаб келяпти. У, берилган топшириқларни сифатли бажариш билан бирга, кўплаб шогирдлар етиштирмоқда. С. Болтаев, И. Сафаров, Ж. Сайфуллаев, Р. Ҳайитов, Р. Жабборов сингари ишлаб чиқариш пешқадамлари автоэлектриклик касбини Қ. Бафоевдан ўрганишган.

Ҳалол меҳнат қилишни ўз бурчи деб билган электрик Қурбон Бафоев яқинда «Ҳурмат белгиси» ордени билан мукофотланди.

М. БАҚОЕВ.

ТЕЖАМКОРЛАР

Андижондаги Ленинск шаҳар пахта тозалаш заводи коллективи бу йил пландан ташқари 300 тонна тола, 30 тонна линтер, 450 тонна чигит ишлаб чиқариш ҳамда 2 тонна ўроб материаллари, 6 тонна ёқилғи, 70 минг киловатт-соат электр энергия тежаб қолиш ҳаҳи билан ишлаяпти.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ойимхон Раҳмонова, Узбекистон ССР Олий Советининг депутати Эргашой Мамажонова ўртоқлар бошчилик қилаётган сменаларнинг ишчилари топшириқларни 150 процентга етказиб уддалашяпти.

Т. МАМАДАЛИЕВ.

ИЛҒОР КОЛЛЕКТИВ

Узбекистон ССР кўрлар жамиятига қарашли Тошкент картон ва қоғоз маҳсулотлари фабрикаси ишчи, инженер-техник ходимлари СССР ташкил этилган кунининг 50 йиллиги шарафига зиммаларига оширилган мажбурият қабул қилдилар. Фабрика коллективи тўққизинчи беш йилликнинг иккинчи йили топшириғини биринчи декабргача уддалаш, пландан ташқари 100 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш, маҳсулот таннархини уч процентгача камайтириш ва шу ҳисобдан 20 минг сўм давлат маблағини тежаш учун курашаётир.

Ҳ. ВАҲОБОВ.

* * *

Шунингдек, марғилонлик А. Шукуров, тошкентлик Х. Иногомов, Г. Леонтьев, Т. Нажмий, термизлик Р. Абдураҳмонов, Қ. Қўлдошев, қувасойлик Т. Темиров, Ҳ. Қаюмов, ғиждувонлик Т. Мақсудов, наманганлик А. Шербоев, самарқандлик А. Шарипов, Г. Муродов, бўстонлиқлик Ф. Нурматов, пастдарғомлик О. Холбеков ва Ш. Мусулмонов, китоблик З. Зиёдуллаев, қўрғонтепалик Д. Йўлдошев, олтиариқлик Т. Умаров, хўжаободлик Н. Холиқов, амударёлик Т. Султонов, ғаллароллик А. Эргашев, жиззахлик Ш. Зокиров ўртоқлар ҳам хушхабарлар йўллашган.

МУТАХАССИСЛАР МАСКАНИ

Тошкент қишлоқ хўжалик институти республикамиздаги йирик олий ўқув юртларидан бири ҳисобланади. У ташкил топганидан буён ўн икки мингдан ортиқ юқори малакали мутахассис кадрлар етиштириб берди.

Бу мутахассисларни етиштиришда институтнинг 336 ўқитувчиси, шу жумладан, йиғирма фан доктори ва профессори, бир юз қирқ беш фан кандидати ва доценти, 38 та кафедра ўқитувчилари самарали ишлаб, студентларга фан асосларини чуқур ўргатмоқдалар. Ҳозир салкам уч минг студент агрономия, экономика ва бухгалтерия, боғдорчилик, сабзавотчилик ҳамда ипакчилик каби ўнта факультетда таҳсил кўрмоқда. Бу факультетларда улар қишлоқ хўжалиги фани асосларини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан чуқур ўрганишяпти.

Институт ректорати ва партия ташкилоти фаолияти билимдон, омилкор, баркамол, мутахассис кадрлар тайёрлашга қаратилган.

Яқинда институтни тағин 1119 киши, шундан тўрт юз тўқсон киши сиртдан муваффақиятли тамомлаб чиқди. Битирувчиларга бағишлаб, Навоий номли ўзбек давлат академик катта театрида кеча ўтказилди.

Кечани институт партия комитетининг секретари ўртоқ Х. Зиёвуддинова очди.

КПСС XXIV съезди қарорлари асосида олий малакали қишлоқ хўжалик мутахассисларини тайёрлашда институт коллективининг вазифалари тўғрисида институт ректори, Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг мухбир аъзоси, профессор А. Имомалиев доклад қилди.

Кечада СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги олий ўқув юртлари Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари В. Ефремов, Ўзбекистон қишлоқ хўжалик министрининг ўринбосари М. Ҳасанов, Тошкент қишлоқ хўжалиги институти меванчилик кафедрасининг мудири, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор А. Рибаков, агрономия факультетининг декани доцент А. Расулев, битирувчилардан А. Раҳмонов, С. Оллабергенов, М. Хўжаева ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Кеча охирида республикамизнинг талантли артистлари ижросида катта концерт берилди.

Р. АБДУЛЛАЕВ.

15 АПРЕЛЬ — КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК

ШАЙМИЗ

Қамаши қишлоқ Совети раисининг ўринбосари Шаҳодат опа Азимова билан ободончилик мавзуида суҳбатлашганимизда, қуйидагиларни ҳикоя қилди:

— Қишлоқ Советимизга район маркази ва Карл Маркс номли совхоз территориялари қарайди. Аҳоли сони 23 минг кишидан ошди, 23 қишлоқ, 16 мактаб, 3 касалхона, 16 медицина пункти, 14 кутубхона, 2 клуб, 13 алоқа бўлими, 65 магазин ва кўплаб саноат, қурилиш ташкилотлари мавжуд.

Район марказида сўнгги беш йилликда ободончилик соҳасида жуда катта ишлар амалга оширилди. 630 хўжалик янги участкаларга кўчиб кирди. Яна 22 кўча ташкил топди. 500 хонадонга мўлжалланган Қамаши Чилонзори — қурувчилар шаҳарчаси битказилди. 1000 ўринли ўрта мактаб биноси, 420 ўринли кенг экранли кинотеатр, ғишт заводи, қўш қаватли маиший хизмат кўрсатиш комбинати қурилиб битказилди. 33 километр узунликда водопровод қувурлари ётқизилди. 2500 хонадон «зангор олов»дан фойдаланяпти. Кўчалар асфальтланиб, электрлаштирилди.

Бундай улкан ишлар ўз-ўзидан амалга оширилаётгани йўқ, албатта. Жойларнинг Совети, унинг ижроия комитети, ободончилик доимий комиссиялари ва кўп сонли депутатларнинг ҳиссаси катта. 15 апрелда коммунистик шанбалик ўтказиш учун катта тараддуд кўрмоқдамиз. Шанбалик куни ҳар ким ўз иш жойида фидокорона меҳнат қилади. Кўплаб металл парчаси йиғилади. Янги кўчаларга ва район марказидаги боғларга кўплаб дарахтлар экилади.

Қишлоқ Совети меҳнаткашлари 15 апрель куни тушган маблағни беш йиллик фондига топширишга аҳд қилдилар.

С. ТОЖИЕВ.

ХОРАЗМ ОБЛАСТИ. СССР Рассомлар союзининг аъзоси Мадраҳим Отажонов чорак асрдан буён ўймакорлик санъати билан шуғулланиб келади. Ҳозир у СССРнинг 50 йиллигига бағишлаб республика ва Бутуниттифоқ бадиий кўргазмаси учун янги буюмлар тайёрламоқда. Суратда: ўймакор М. Отажонов иш устида.

Қ. Отаев фотоси. (ЎзТАГ).

КАМОЛОТ

Саноатимиз юлдузлари

У министрлик идорасидан ҳаяжонланиб чиқди. «...Цехни фабрикага айлантирамиз. Уни ўзингиз бошқарасиз...» — дейишди унга.

Юлдузхон ўйлар гирдобида трамвайга чиққанини сезмай қолди. Трамвай ойнасидан чароғон йўлларга қараб боракан беихтиёр ёшлигини эслади. Ёдида, саккизинчи синфда ўқирди. Бир куни синф раҳбари мактабда тикувчилик тўгараги очилганини айтиб, қизларни севинтирди.

У ўнинчи синфни тугатгандан кейин қайси ўқишга боришни дилига тугиб қўйди.

Орзулар қанотида Қўқондан Тошкентга учиб келган Юлдуз Қосимова 1956 йили Тўқимачилик институтига ўқишга кирди. Институтни битиргач, уни пойтахтдаги 3-тикув-пардозлаш фабрикасига ишга юборишди. Юлдузхон ишни оддий мастерликдан бошлади. Қўлида ҳунари бор-у, лекин уйда ўтириб қолган хотин-қизларни ишга жалб қилди. Билмаганини ўрганди, билмаганларга ёрдамлашди. Одамлар қалбига йўл топа билган ташкилотчи Юлдуз тез орада фабрикада обрў-эътибор қозонди.

1965 йили уни бадиий буюмлар цехига инженер-технолог қилиб тайинлашди. Бу Юлдузни янги марралар сари чорлади. Ёш инженернинг изланишлари зое кетмади. Ўша йили план ошириб адо этилди. 1968 йили Юлдузхоннинг ҳаётида унутилмас воқеа юз берди. У КПСС сафига қабул қилинди. Кўп ўтмай уни министрликка чақиришиб:

— Цехни фабрикага айлантирамиз, директорликни зиммангизга олсангиз, — дейишди.

...Тўсатдан айтилган бу таклифдан Юлдуз довдираб қолди. Унинг кўз ўнгида уч яшар ўғли Бахтиёр билан 8 ойлик кизи Гули гавдаланди. Уйрўзгор ташвишларини эслади.

Кейин ишга киришиб кетди. У бутун кучини, билимини ишга солиб, одамлар ишончини оқлашга интилди. Катта-ю, кичикни баробар ҳурмат қилди. Фабрикага Вазира Юсупова, Санобар Илҳомова, Раҳима Шарипова, Мавжуда Рауфова каби олий маълумотли инженер кадрларни, донгдор чеварларни таклиф этди. Ихлосманд ёшларни Тошкент тўқимачилик институтининг кечки бўлимига ўқишга юборди. Унинг ташаббуси билан Бирлик, Октябрь, Чилонзор, Қўш кўприк массивларида кўп болали оналар учун «аёллар буюмлари» цехлари очилди.

Бир вақтлар 40 кишидан ташкил топган фабрикада ҳозир 860 дан кўпроқ тикувчи ишлайди. Ўтган йили фабрика коллективи Юлдузга катта ишонч билдириб район Советига депутат қилиб сайлашди. Бу бежиз эмас, албатта. Фабриканинг ишига бош-қош бўлган Юлдузхон Қосимовага халқ меҳрининг ифодаси бу.

Ўтган йили фабрикага Японядан хат келди. Хатда бу қўли гул қизлар тиккан миллий кийимлар беқасам тўн, атлас товар кўйлаклар, хотин-қизларнинг ички буюмлари кўргазма аҳлига манзур бўлганлиги айтилиб, атлас кўйлаклардан, беқасам тўнлардан яна юборишлари сўралган эди. Дарвоқе, фабрика коллективи тиккан миллий кийимлар Монреаль, Токио ва Мехикода ўтказилган халқаро кўргазмаларда намойиш этилди.

Ҳозир фабрика аҳли ўзаро социалистик мусобақани қизитиб юборган. «Ички» кийимлар цехидан Мамлакат Усмонова, Салима Ҳакимова, бичувчилик» цехидан Маъмура Юсупова, Озода Эгамбердиева, «ўйларга буюртма» цехидан Нафиса Маҳкамова, Роза Ҳамидуллиналар беш йилликни тўрт йилда бажариш ташаббусига қўшилиб ишлашаётир.

Фабрика ишчилари 1971 йил планини ошиғи билан бажаришган, 39 минг 200 сўмлик материал тежаб қолишган. Юлдузхон Қосимова раҳбарлик қилаётган фабрика коллективининг бу йилги режалари ҳам чакки эмас. Улар 5 миллион 86 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга, тўқкизинчи беш йиллик планини эса тўрт йилда бажаришга аҳд қилишган.

Л. ИУЛДОШЕВА.

НОМУС

ОЧЕРК

Яқинда мухбирлик архивимни титкилаб ўтиргандим, таниш бир сурат чиқиб қолди. Кўзга иссиқ чеҳра: бошида марғилон нусха дўппи, эгнида оқ яктак устидан қора лас чопон, ўзи қорачадан келган, эллик беш-олтмиш ёшлардаги бир одам. Эсладим Миндонлик деҳқон. Мен уни биринчи марта Водилда, райком секретари хонасида кўргандим. Шундай. Ярқ этиб хотирамга ўша учрашув, райком секретари айтиб берган ўша воқеа келди...

* * *

Терим айни авжига чиққан кезлар. Мухбирлик экан, газетага кунда материал керак. Эрта билан районга чиқиб кетиб, кун бўйи далама-дала, колхозма-колхоз юриб факт йиғиб келиб, кечаси ёзиш, яна эрталаб уни Тошкентга телефонда бериш керак. Шунақа беҳалавотли кунлардан бирида Водилга бориб райкомнинг биринчи секретари билан учрашиб гаплашиш керак бўлиб қолди. Райкомга телефон қилсам Акбаров саҳармардонда далага чиқиб кетганича энди ишхонасига қайтиб келиб турган экан.

— Бўлмаса йўлга чиқаверинг. Машинада ярим соатлик йўл. Кутиб тураман. Миндон зонасидаги колхозларга ўтадигандим, хоҳласангиз биргга борамиз,— деди.

Машинани чақириб йўлга тушдик. Ҳадемай Фарғона орқада қолиб кетди. Қир ошиб водийга тушиб бора бошладик. Куз ўриклар баргига ўт ёқиб кетган, йўл ёқасидаги ўрик-зорлар лов-лов ёнади. Жигарранг далалар бошида хирмонлар ярқ-юрқ кўзга ташланади. Осмон шундай мусаффо, Олой тизма тоғлари шундай яқинки, кўл узатсанг етгудек. Одатда эрта баҳорда шарроқ қуйган ёмғирдан кейин, яна кузда ҳаво мусаффо тортганда шундай бўлади, тоғлар шаҳарга яқинлашиб келади..;

Райком секретари ўзи айтгандай кутиб ўтирган экан. Салом-аликдан кейиноқ колхозга чиқиб кетамиз деб тургандик, обкомдан қўнғироқ бўлиб қолди. У жавоб-муомала қила бошлади. Кейин ундан қутилганимизда яна бошқа телефон жиринглашга тушди.

— Алло. Ҳа. Мен. Эштаман: Лаббай?— Секретарь бу одамга ҳам ўзига яраша муомала қила бошлади.

Менинг бетоқат хона айланишимни кўриб, ҳозир кетамиз ишорасини қилиб, кўз қисиб бош силкиб қўйди. Лекин гапни тугатиб ундан қутулгандн ҳамки, эшик очилиб остонада қора лас чопонига пахта толалари илашган, керза этикли қўлида қоғоз тутган бир киши кўринди.

— Мумкинми, ука,— деди ҳаяжон аралаш.

Ёши ҳам олтмишларга бориб қолган, лекин ҳозир нимагадир кўзлари ёлқинланиб турибди. Райком секретари трубкани қўяр-қўймас унга қараб юрди.

— Э, келинг-келинг. Ҳатам ака келинг.— Улар хона ўртасида учрашиб иссиқ кўриша кетишди,— Нечук, нечук, қандай шамоллар учирди? Келинг-келинг.— Биринчи секретарь унга стул кўрсатди.

— Яхши шамоллар, хурсандчилик шамоллари...— Ҳалиги киши ийманиб-қимтиниб қўлидаги қоғозга қараб қўйди. Бир нарса демоқчи бўлди-ю, яна секретарнинг раъйига қараб стулга ўтирди. Кейин унинг ҳол-аҳвол сўраб берган саволларига қалта-калта қилиб, яхши, раҳмат деб жавоб қиларкан, анчагача гапга кўчолмай нимагадир истиҳола қилиб турди. Ниҳоят:

— Мана, келдим, ука. Рапорт олиб келдим—деди-ю, кўзларида ёш ғилтиллаб четга қаради.

Райком секретари ўрнидан туриб кетди. Ҳурсандчилигини яширолмай унинг қўлини олиб қаттиқ қисди.

— Табриклайман, чин кўнгилдан табриклайман, Ҳатам ака. Сиз ҳақиқатан мард деҳқон экансиз. Мард экансиз.

Деҳқон ўнғайсизланиб енгил кулимсиради:

— Раҳмат, ука. Ишончларингизни оқлаган бўлсам, шунинг ўзи етади менга. Раҳмат. Энди мен борай, сизни ҳам ишдан қўймай.—у кетишга тараддудланди.

Секретарь ҳайрон бўлди:

— Ариза билан олдингизга чиқаман дегандингиз?..

— Ҳа-а, пенсиями?— деҳқон енгил бош чайқади,— пенсия бир гап бўлар. Чиқарман—келаси йилгами, кейинроқми. Қишлоққа қайтмоқчиман. Эски еримга. Уша ерда ҳам бир ишлаб кўрай. Кейин. Хўп бўлмаса, ука, ҳайр.—у шахдам-шахдам юриб чиқиб кетди.

Райком секретари уни кузатиб чиқиб яна қайтиб кирди:

— Мана бунақа деҳқонларимиз бор. Қаранг, қанақа номусли кишилар...—деди у хурсандчилиги ичига сиғмай.— Айтмоқчи, мен сизга у кишини таништирмадим-а. Бу одам... Келинг, яхшиси, бу одам ҳақида йўлда айтиб бера қолай, Бу ерда ўтирсак-ўтираверадиганга ўхшаймиз.

Биз йиғиштириниб йўлга тушганимиздан кейин Аҳроржон ака яна бояги мавзуга кўчди.

— Бултур кеч кузлар эди. Ўзингиз биласиз бизда пахта кечки бўлади. План тўла қолмай асаблар таранг тортилган пайтлар. Ёмғир тиниб-тина қолмайди. Совуқ тушиб туша қолмайди. Кўсак кўп-у, ҳаммаси кўкмак. Битта совуқ уриб берса бодраб очилиб ишимиз юришиб кетади-я, лекин ўша совуқ йўқ. Райком ходимлари хунобимиз ошиб эртадан қора кечгача дала айланганимиз-айланган. Пунктга пахта қувганимиз-қувган.

Шунақа кезда бир куни «Коммунизм» колхозидан пунктга шошиб машинада ўтиб кетаётсам пайкал ёқалаб келаётган бир киши машинани кўриши билан тутлар орасига панага уриб кета бошласа бўладими. Ростмана қочиб боряпти. Жуда алам қилиб кетди. Наҳот одамлар мендан шунчалик кўрқса. Бир вақтлардаги налогчидан қочгандай қочяпти-я!.. Шоферга:

— Тўхта! Тўхтат машинани!— дедим-у, газик тўхтар-тўхтамас ундан сакраб тушиб, аччиқ устида ҳалиги одамнинг устига бостириб бора бошладим. Кўриб қайтди. Тутлар орасидан чиқиб келди. Бетимга қараймайди. Мен ким экан десам, шу киши, кимсан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳатам Нишонов. Бир вақтлар қирқ-қирқ беш центнердан пахта бериб донг таратган одам. Шундай одамки, машинамни кўриб ўзини панага урдими-тамом, одамлар назаридан қолибман-да деб ўйлаб аллақандай бўлиб кетдим. Яна сирбой бермай ҳол-аҳвол сўраган бўлдим. Кейин:

— Нега қочасиз? Мен шунақа ёмон одамманми?— дедим алам-ачиғида.

У ерга қаради:

— Йўқ, ука. Сиз кечиринг. Сиз унақа одаммассиз. Мен ўзим қочаётгандим. Уялганимдан қочаётгандим. Бу вилт одамни бебурд қилиб қўйди. Ўзингиз айтинг, мен ким эдим-у, энди кимман. Нима деган одамман?!— деди-ю, кап-катта одам четга қараб йиғлаб юборса бўладими... Қани энди юпатиб бўлса. Ўзини босолмайди. Жуда ғалати бўларкан. Юпатишга ҳам гап тополмай қолар-кансан.

— Нега унақа дейсиз, сизга ҳали нима бўпти, уяладиган нима иш бўпти,— дейман-у, уни тинчитолмайман.

— Саломатлигим ҳам илгаригидаймас, ёшим ҳам бориб қолди бир жойга. Ҳар йили бир марта йилни якунлаб олдингизга чиқсам дейману, иложини қилолмайман. План тўқсондан пастда қолиб кетяпти. Шу вилт юзни шувит қилиб юборди. Одамларга кўринолмай қолдим. Мана бу йил ҳам ўша аҳвол. Пахта тарози босмай қўйди. Ўзингиз ўйланг, ука. Шундан кейин нима деган одамман. Қаҳрамонлигим қатта қолди!?— У чуқур тин олиб бош чайқади. — Энди сиздан бир илтимос. Йўқ демасангиз. Менга бошқа бир ер берсангиз. Ер берсангиз-у, мен юзимни шувитини ювиб кейин ҳалиги ариза билан олдингизга борсам. Шу куйи пенсияга кетишга номус қиламан. Ўзингиз бир ёрдам беринг, ука.— дея у ишонч билан кўзларимга тикилди.

Нима дейман. Бўпти, чўлдан ер топиб бераман, янги ер дедим. Аммо-лекин оғирчиликни ўзингизга олаисз. Янги ернинг «хархаша»ларини кўтарасиз.

— Раҳмат, ука. оғирчиликни энди кўрибмизми! Чўл бўлса — чўл-да!— деб турибди..

Боя рапорт кўтариб келганини кўрдингиз-а. Энди қишлоққа, ўзининг эски ерига қайтмоқчи. Вилт билан олишмоқчи. Йўлини топдим, дейди. Колхознинг биқинида гилмоя тупроқли тепалар бор. Шу гилмоя тупроқ вилтнинг уруғини ўйнатиб юборади ,вилт босган ерга шу тупроқдан соламан дейди. Боя индамадию, лекин раисни кўндириб қўйибди. Пенсияга чиқаман деб қали бери ариза кўтариб келадиганга ўхшамайди. Мана бунақа номусли, мард деҳқонларимиз бор экан, юкимиз ерда қолмайди. Нима дедингиз?..

...Биз пахтазор оралаб ўтган асфальт йўлдан Миндонга кириб бораркдик. Пайкаллару-хирмонларда, ҳар қадамда қора лас чопонига пахта илашган кишилар учрар, уларнинг ҳар бири райкомга рапорт кўтариб борган қалиги кишига ўхшаб кетар, беихтиёр уни эсга соларди...

* * *

Шундан бери уч-тўрт йил ўтди. Яқинда эшитсам, ўша бригадир яна чўлга чиқиб кетибди. Марказий Фарғонадан янги ер олибди. Кексалигига қарамай, Миндондан қирқ километр узоққа қатнаб, Қизилтепа массивида пахта экаётганмиш. Райком секретарининг айтишича, қали ҳам у ҳар йили план тўлгани ҳақида рапорт олиб келармишу, лекин пенсияга чиқиш ҳақида оғиз очмас эмиш.

Муроджон МАНСУРОВ,
Фарғона—Тошкент.

АХБОРОТ

НУҚУЛ ФАКТЛАР

УЧ РАНГДАГИ МАРМАР

Нурота тоғлари бамисоли битмас-туганмас хазина чиқиб қолди. Ер ости бойликларини топиб, халққа хизмат қилдирувчи ажойиб касб эгалари бўлган геологлар тоғ бағридан кетма-кет хазина очмоқдалар. Республика Геология министрлиги мутахассислари Нурота тоғларида тағин учта кон тополганлигини ва унинг иқтисодий-техника жиҳатларини муҳокама қилишди. Камалан рангида товланувчи мармар запаслари бирданига уч жойдан топилди. Бино ва иншоотларга чирой бахш этувчи бу қурилиш материали манбаларн Савай, Оқчин, Курмаксой деган жойларда эканлиги аниқланди. Бири-биридан сержилоби уч рангда товланувчи мармарлар Тошкент метроси қурилишида ҳам фойдаланилади.

ДЎСТЛИК ФЕСТИВАЛИ

Пионерлар учун бу йил қўш байрам: В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ пионер ташкилотининг 50 йиллиги байрам қилинади, СССР ташкил топганлигининг 50 йиллиги тантанали бир вазиятда нишонланади. Ана шу байрамлар муносабати билан Андижон шаҳридаги 38- мактабда «СССР — менинг Ватаним» мавзуига бағишланган фестиваль ўтказилди. Фестивалда 15 қардош республика мадҳи куйланди. Бу завқли тадбирни ўтказишга тайёргарлик даврида ўқувчилар Совет Иттифоқи халқлари дўстлиги тарихига оид жуда кўп тарих саҳифаларидан хабардор бўлдилар.

ГУЛЗОР НАМАНГАН

Янги барпо этилган катта кўча беткайига қатор қилиб чинор ниҳоллари ўтқазилди. Бу — Наманган шаҳрида очилган янги «Дўстлик» проспектининг дастлабки кўчатлари. Ана шу кўчатлар ўтқазилиши билан шаҳарда кўкаламзорлаштириш шанбаликлари ва якшанбаликлари бошлаб юборилди.

Наманган шаҳрида шанбалик ҳамда якшанбаликлар вақтида жами 50 минг туп атир гул ерга қадалади. 2 миллион тупдан ортиқ бошқа хил гул кўчатлари ўтқазилади. Эниладиган мевали-манзарали дарахт кўчатларининг сони 150 мингтадан ортиқ бўлади. Шаҳар ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ташкилотлари гул ва ниҳолларни парваришлашга қизғин тайёргарлик кўра бошлади. Ёз ойларида суғориш учун махсус ёмғирлаш қурилмаларидан фойдаланилади. Беш йиллик охирига бориб шаҳарда кўкаламзорлаштирилган майдонлар икки ҳисса кўпаяди. Гулзор ва кўкаламзорлаштирилган майдонлар аҳоли жон бошига 10 квадрат метрданга тўғри келадиган бўлади.

ДЕПУТАТЛАР МАҲАЛЛАДА

«Қизил шарқ» — зилзиладан кейинги даврда Тошкентнинг Чилонзор районида барпо этилган янги маҳалла. Қисқа давр ичида маҳалла аҳолиси давлат кўмаги билан якка тартибда янги уйлар қуриб олишди. Маҳалла тўла электрлаштирилди. Янги кўчалар очилди. Водопровод тармоқлари ҳар бир хонадонга кириб келди. Уйларни газлаштиришга тайёргарлик кўрилмоқда. Асфальтланган кўчалар четида қад кўтарган мевали ва манзарали дарахт кўчатлари соя ташлайдиган бўлиб қолди.

Шаҳар Советининг депутати М. Хўжаев, район Советининг депутати Т. В. Усейнова ўртоқлар маҳаллада сайловчилар наказининг бажарилиши юзасидан ҳисобот бергани келдилар. Йиғилишда маҳалла аҳолиси депутатлардан миннатдорлигини таъкидлади. Наказлар вақтида бажарилаётганлигини айтишди.

И. ОРТИҚОВ.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ГАЗЕТХОНЛАР ХИЗМАТИДА

ФАКТЛАР ТАСДИҚЛАНДИ

Оҳангарон районининг маркази бўлган Қорахитой қишлоғида аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатишнинг аҳволи талабга жавоб бермайди. Район партия, совет ва хўжалик ташкилотлари бу соҳадаги камчиликларни бартараф қилишга етарли эътибор бермаяптилар. «Совет Ўзбекистони»нинг штатсиз мухбири Тожи Хушназаров редакцияга ана шундай мазмунда хат юборган эди. Хат текшириш ва чора кўриш учун Оҳангарон район ижроия комитетига юборилди. Ундан олинган жавобда айтилишича, хатда аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш соҳасидаги мавжуд камчиликлар тўғри очиб ташланган. Қорахитой қишлоғида ишлаб турган водопровод юзаки қурилгани учун талабга жавоб бермайди. 1971 йили давлат маблағи ҳисобидан қурила бошлаган 8 ярим километрлик водопровод тармоғи ҳали битказилгани йўқ. Уни шу йил 1 майгача қуриб тугаллаш ва қишлоқ аҳолисини водопровод суви билан тўла таъминлаш чоралари кўрилляпти. Қишлоқдаги ҳафтада икки марта ишлаётган икки хонали ҳаммом аҳолининг талабига жавоб бермаётгани тўғри. Бу йил ҳаммом икки баробар кенгайтирилади ва унинг иши яхшиланади. 76-темир йўл разъездида поездлар тўхтатишни ташкил этиш ва шу мақсадда бино қуриш масаласи СССР Темир йўллар министрлиги олдига қўйилди. Радиотехниклар хонадонларни айланиб чиқиб, радиоэшиттириш соҳасидаги камчиликларга барҳам бердилар. Ҳозир ҳамма хонадонларда радио ишлаб турипти. Хатда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган объектлар ишламаётгани тўғри кўрсатилган. Район маиший комбинати раҳбарларидан ана шу объектларни дарҳол ишга туширши чораларини кўриш талаб этилди. Кийим тикиш цехи, фотография ишга туширилди. Бошқа камчиликларни ҳам тугатиш ва аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш чоралари кўрилмоқда.

ЧОРА КЎРИЛДИ

Жомбойлик газетхон Ахтам Аҳмедов редакцияга юборган хатда райондаги 8-мактабда таълим-тарбия ишлари сусайиб кетгани, мактаб директори Мамиров қонунсиз хатти-ҳаракатлар қилаётгани, давлат ва меҳнат интизомини қўпол равишда бузаётгани кўрсатилган эди. Хат текшириш ва чора кўриш учун Жомбой район халқ маорифи бўлимига юборилганди.

Олинган жавобда айтилишича, текшириш натижасида хатда келтирилган фактлар асосан тасдиқланган. Масалан, Мамиров 1972 йил 18 январдан 29 январгача сабабсиз ишга келмаган. Кейинги қарийб икки йил мобайнида мактабда ота-оналар йиғилиши ўтказилмаган. Текшириш натижаси район халқ маорифи бўлимининг кенгашида муҳокама қилинган. Мактабда таълим-тарбия ишларини бўшаштириб юборгани, давлат ва меҳнат интизомини қўпол равишда бузгани учун Мамировга қаттиқ виговор эълон қилинган.

«МОССОВЕТ» ТОМОШАЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Суратларда: (юқоридан пастга) театрнинг «Табассум учун миллион» спектаклидан саҳналар. РСФСРда хизмат кўрсатган артист М. Б. Погоржельский — Виталий Карташов, артистка Т. В. Бестаева — Ольга Федоровна ҳамда артистка И. Б. Калиновская — Нина, артист Е. Ю. Стеблов-Геннадий ролларида.

Р. Шамсуддинов фотолари. (ЎЗТАГ).

ЗАМОНАМИЗГА ИЛҒОР УРФ-ОДАТЛАР ЯРАШАДИ

ШАКАРНИНГ ОЗИ ШИРИН

Учқўрғон район «Жанговар меҳнат» газетаси ўз ўқувчиларидан кўплаб хат-хабарлар олиб туради. Уларнинг айримларида халқимизнинг урф-одатлари тўғрисида фикр юритилган. Жумладан, оддий солдат Ҳ. Низомовнинг хатида ҳам урф-одатларимиз ҳақида гап боради. Унинг хатидан айрим ўринларини келтираман:

«Мен яқинда отпускада бўлиб қайтдим. Ўзбек урф-одатларининг яхшилари кўп. Уларни кўз-кўз қилса арзигуликлари бор. Аммо бир нарса мени изтиробга солди. Айрим тўйларда исрофгарчилик анча кўпайган. Айниқса, инсон учун энг азиз неъмат, кундалик ризқимиз бўлмиш нон исрофгарчилиги анча кучайган. Негадир, баъзи тўйларда нонинг исроф бўлишига йўл қўйилмоқда».

Редакциянинг илтимосига биноан, солдат Ҳ. Низомовнинг хатига мен қуйидаги жавобни қайтардим:

— Ўғлим Низомов! Сиз она-Ватан олдидаги гражданлик бурчингизни барча ёшларимиз қатори сидқидилдан ўтаяпсиз. Сизнинг халқимиз урф-одатлари билан қизиқишингиз, табиий. Чунки туғилган юртингдан қанча узоқлашсанг, унга бўлган меҳринг, одамларга бўлган соғинчинг ортаверади. Хатингизда мана шу соғинч ҳисси жуда кучли. Айни вақтда Сиз халқимизнинг тўйи ва дастурхони ҳақида анча тўлқинланиб ёзгансиз. Ўзингиз таъкидлагандек, тўйларимиздаги ортиқча харажатлар, исрофгарчиликлар Сизни ташвишлантиради.

Шу нарса маълумингиз бўлсин-ки, бу масалага кейинги вақтларда жамоатчилик диққат-эътибор билан қарамоқда. Мавлоно Муқимий замонидаги, унинг «Тўйи Иқон бачча» сатирасида гавдаланган «Мен розимас кишига нон берсанг», «Ё товуқ сақласангу дон берсанг», деган сўзларни айтувчи хасис, баҳил, кўзи оч, қурумсоқларга бизда ўрин қолмаган. Чунки аввалларн инсон қадами етмаган Мирзачўл, Ёзёвон ва Учқўрғон чўлимиз каби қақраган биёбонларда меҳнатсевар халқимизнинг жасорати, партиянинг доно раҳбарлигида пахтазорлар, ғаллазорлар, боғроғлар, полизлар бунёдга келди. Қисқаси, чўллар бўстонга, даштлар қурилиш майдонига айланмоқда. Айни вақтда бу ерларда яратилган боғларимизнинг турли-туман шакар мевалари, қовун-тарвузлари, сабзавотлари дастурхонимизнинг кўркидир. Бу албатта маъмурчиликдан нишона...

Ҳар ким ҳам эл-юрт олдига баҳоли қудрат дастурхон ёзишни ҳавас қилади. Бу азалий одатимиз. Тўкинсочинлик маданий ҳаётимизнинг тобора юксалиб бораётганидан далолат беради. Лекин баъзи кишилар бу маҳсулотларни ўринсиз орзу-ҳаваслари йўлида исроф қилиб, кўпчиликни ҳижолат қилмоқда. Бармоқ билан санарли бўлса-да, бир неча йиллар тўпланган маблағини «тўй қиламан» деб совуриб юбораётган кишилар ҳам бор.

Баъзи такаббур кишилар худбинлик касалига чалиниб, манманлик лойига ботиб қолгани учун ҳам ундан чиқиши анча қийин бўлмоқда. Худди шулар оддий тўй маросимини ҳам дабдабабозлик минбарига айлантиришяпти. Айниқса улар спиртли ичимликлар учун пулни аямайди. Шунинг учун ҳам кенг жамоатчилик тўйларимизда ичкиликнинг мутлақо бўлмаслиги учун жиддий кураш олиб боряпти. Спиртли ичимликни озайтириш эвазига дастурхонимизни турли нозу-неъмат, таомлар билан безасак нур устига аъло нур дейишмоқда. Лекин дастурхон безаганда ҳам, меъёрдан чиқмаслик лозим. Дастурхонимиздаги мазали овқатлар оз бўлса-ю, соз бўлса. Чунки халқимизда «Шакарнингози ширин» деган нақл бор. Шундай экан, тўйда озиқ-овқатлар билан бир қаторда нон ҳам керакли миқдорда тайёрланиши керак. Акс ҳолда, нон ва бошқа озиқ-овқатларнинг ортиқчалиги исрофгарчиликка олиб келади.

Ўғлим Низомов! Сиз ва сизга ўхшаб ҳарбий хизматни ўтаётган фарзандларимиз бунга унчалик ташвишланмасангиз ҳам бўлади. Нега деганда, эл-юрт раъйига қарши тўй ўтказаётганлар сони йилдан-йилга камайиб бормоқда. Кимда-ким бунга ҳали ҳам журъат этаётган экан, у маҳалла кўйларининг, таниш-билишларининг, ошна-оғайниларининг ва, қолаверса, халқнинг назаридан қолмоқда. Халқ назаридан қолишни истамаётганлар ҳар бир тўйни расамади билан, саранжом-сариштa ўтказишга интилмоқдалар.

Мавриди келганидан фойдаланиб, шуни ҳам сизга ёзаётирман. Районимизда илғор урф-одатлар ва маросимлар йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Касбдошларнинг юбилейларини ўтказиш, қарияларни пенсияга узатиш, шанбаликлар ўтказиш, оилада фарзанд туғилган кунни нишонлаш, ҳовли тўйлари, касб танлаш кечаси, ўрта мактабни битирувчиларни ишлаб чиқаришга жўнатишга, Совет Армияси safига чақирилувчи ёшларни иншоотларининг қуриб битирилишига бағишланган кунларни ўтқазиш кенг илдиз отиб бормоқда. Бунга қўшимча қилиб, тўйларда исрофгарчиликнинг ҳам тобора камайиб бораётганлигини қўшмоқ керак.

Районимизда хусусан, Норинкапа қишлоқ Советида тўйларни ва бошқа маросимларни замон талаблари ва замондошларимизнинг дидига мослаб ўтказиш одат тусига кирган. Шунинг учун уларнинг бу соҳадаги ибратли ишлари ҳақида ҳам бир шингил айтиб ўтмоқчиман. Бу ерда тўй ёки маросим ўтказувчи ҳар бир киши албатта маросим комиссияси билан бамаслаҳат иш юритади. Тўй олдидан маросим комиссияси томонларнинг розилиги билан унинг муддатини белгилайди, ҳаражатларнинг ҳисоб-китобини тузиб чиқади. Бу «смета» да икки ёшни бахтли ва фаровон турмуш қуриши учун энг зарур бўлган рўзғор буюмлари, кийим-кечаклар, тўй харажатлари ҳисобга олинади. Натижада бу ердаги тўй ҳар қандай эски расм-русумлардан ҳоли ва файзли, айни вақтда камхарж ўтмоқда. Қишлоқ марказий магазинида никоҳ гувоҳномасини олган ёшларга зарур бўлган буюмларни сотиш учун «келин-қуёвлар» бўлими ташкил этилган. Колхозлардаги «Бахт уйи»да ёшларнинг комсомол тўйлари бўлиб ўтмоқда. Маҳалла оқсоқоллари, маросим комиссияси, колхоз правленеси ва партия ташкилоти ҳамда қишлоқ Совети депутатлари иштирокида ўтказилаётган бундай тўйларда ўз-ўзидан исрофгарчиликнинг йўли тўсилади.

Биз бундай ташаббусни бошқа қишлоқ Советларида ҳам кенг ёйилаётганининг гувоҳимиз. Шуниси жамоатчиликни қувонтирятгики, янгича тўйлардаги маданий хизматни шу жойнинг ўзидан чиққан бадиий ҳаваскорлар олиб боряпти. Бунга Норинкапада «Гулдаста», Ленин номли совхоза «Навбаҳор», «Москва» колхозидаги «Умид гули» ансамблларни мисол қилиб кўрсатса бўлади.

Оддий солдат Низомов! Давримизга муносиб бўлган янги тўйлар, урф-одатлар ва анъаналар меҳнаткашлар ҳаётига чуқур сингиб бормоқда. Тўй ва маросимлар ўтказишда эскилик сарқитларига муккасидан кетган айрим кишиларга жамоатчилик ўринли дашном бериб, жуда тўғри қилмоқда. Замонамизга ярашиқли бўлган янгича тўй ва бошқа маросимлар, урф-одатлар ривожланаверади.

Иброҳим ОХУНОВ,
Наманган область, Учқўрғон шаҳри, пенсионер.

Бугун—Жаҳон сиҳат-саломатлик куни

СОҒЛОМ БЎЛАЙ ДЕСАНГИЗ...

Бундан 24 йил муқаддам — 1948 йил 7 апрелда ВОЗ — Бутун дунё соғлиғини сақлаш ташкилотининг Устави кучга кирди. Унинг мақсади — жаҳон халқларининг соғлиғини сақлаш борасидаги курашни бирлаштиришдан иборат эди. ВОЗ ҳар йили жаҳон сиҳат-саломатлик кунини ўтказиб келяпти. Бу йилги сиҳат-саломатлик куни «Юрагингизни эҳтиёт қилинг!» деган шиор остида ўтаётир.

Мамлакатимизда, шу жумладан, республикамизда ҳам кейинги йилларда даволаш муассасаларининг сони янада ошди.

Жаҳоннинг иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларида юрак-қон томир касалликлари биринчи галдаги муаммо бўлиб қолмоқда. Бундай касалликлар кишиларни ногиронликка, баъзан эса бевақт ўлимга олиб келади. Шунга кўра ҳам бундай касалликларнинг олдини олиш, даволаш, уларнинг тарқалиш йўлларини илмий асосда текшириш учун кўплаб куч ва маблағ сарфланмоқда.

Одатда ҳар бир одам соппасоғ бўлиб туғилади. Сўнгра унинг организмида юқумли очаг (мактаблар) пайдо бўлса, хавфли стрептаккок микроблари бутун организмга ҳужум қилади, айниқса юрак клапанларига катта зарба беради. Натижада ревматик порок пайдо бўлади...

Гипертония ва атеросклероз касалликларига қарши курашиш бирмунча мураккаб. Қон босими касаллиги, миокард инфаркти, атеросклероз — булар эгизак касалликлар қаторига киради. Атеросклероз касаллиги модда алмашувининг бузилиши билан характерланади. Модда алмашув эса марказий нерв системаси орқали бошқарилиб борилади. Гипертония — совет олимларининг фикрича, асаб системаси фаолиятининг бузилиши натижасида содир бўладиган касалликдир. Кўраяпсизми, сўз яна марказий нерв системасининг иш фаолияти ҳақида бораяпти.

Артерия қон томирларининг ўзгариши ва асаб системаси фаолиятининг бузилиши миокард инфарктига олиб келиши мумкин. Бундай касалликларни даволаш соҳасида муайян муваффақиятларга эришилди. Турли дори-дармонлар билан гипертония касалига учраган беморларнинг артериал қон босимини бир меъёрда сақлаб туриш имкониятига эгамиз.

Миокард инфарктини даволаш ва унинг олдини олишда антикоагулуяторлардан — қон қуйилишига қарши қўлланиладиган кучли ва ишончли воситалардан фойдаланилмоқда. Бу усулларни қўлланиш самарали натижалар беради.

Инсон ҳаёти учун курашда дори-дармонлар билан бирга юрак фаолиятини текшириш ва касалликни аниқлашда қўлланиладиган — электрокардиограф, электрофонокардиограф, кимограф каби ўнлаб замонавий асбоб-ускуналар бизга катта ёрдам беряпти. Булардан ташқари, организмга керакли моддаларни юбориш, юрак ишини яхшилаш асбоблари ҳам мавжуд. Бу замонавий асбоблардан баъзилари юрак ритмини бошқариб турувчи, сунъий ҳайдовчи восита вазифасини ўтайди. Бу воситалар қон айланишини яхшилашга, юрак ишини енгиллаштиришга ёрдам беради. Ҳеч шубҳа йўқки, бизнинг совет медицинамизда яқин вақтлар ичида сунъий юрак яратилади. Инсон ҳаёти учун хавфли вазият содир бўлган тақдирда, у, беморнинг қон айланиш системаларига уланади. Буларнинг ҳаммаси ҳаётга хавф солувчи юрак касалликини камайтиришга имкон беради, натижада одам ўзининг ижодий активлигини сақлаб қолиб, узоқ вақт яшай олади.

Юрак касалликларини тамомила йўқотишда энг муҳим вазифалардан бири, профилактика — унинг олдини олишдир. Оила, мактаб ва коллектида яхши тарбия олиш, турмуш гигиенаси, меҳнат қилиш ва дам олишни тўғри ташкил этиш, етарли овқатланиш ва ҳоказолар инсоннинг ҳар томонлама етук бўлиб улғайишига, актив ижод қилишига, ўз-ўзини бошқара билишига, асаб системасининг бақувват бўлишига катта ёрдам беради. Ана шундагина гипертония ва атеросклероз касаллиги ўз-ўзидан камаяди.

Ҳар бир касалликнинг олдини олишда жисмоний тарбиянинг роли бениҳоя каттадир. Врачлар спортни сиҳат-саломатлик гарови бўлганлиги учун ҳам севадилар. Юрак-қон томир касалликларининг олдини олишда кишилар ўртасидаги ярамас иллатлар — ичкилик ва чекишга қарши курашиш катта роль ўйнайди.

Ҳаммага маълумки, тамаки таркибида никотин моддаси бўлиб, у киши организмига тутун билан киради, марказий ва периферик нерв системаларига заҳарли таъсир этади. Никотин симпатик нерв системасининг қўзғалишига олиб келади ва томирлар сиқилишига сабабчи бўлиб, гипертония, атеросклероз, кўкрак қисиши каби оғир дардларга дучор қилади. Спиртли ичимликлар, ҳатто пиво ҳам киши ҳаёти учун жуда зарарлидир.

Алкоголь жигарнинг оғир касалликларига, ичак ва ошқозон касалликларига олиб келиб, бошмия ҳамда юрак фаолиятига зарар келтиради. Агар спиртли ичимликлар ичиш ўз-вақтида тарк этилмаса, юрак ва қон томирларда катта ўзгаришлар содир бўлиб, юрак фаолияти ҳамда қон айланишининг бузилишига сабабчи бўлади.

Ж. ХЎЖАЕВ,
Тошкент область санитария маорифи уйининг бош врачи,

А. АЗИМОВ,
Республика санитария маорифи уйининг методист врачи.

СПОРТ

ХАБАРЛАР

ҚИЛИЧБОЗЛИК

Испаниянинг пойтахти Мадридда қиличбозлик бўйича ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпионати бўлди. Мусобақада иштирок этган тошкентлик Собир Рўзиев ҳал қилувчи курашда польшалик тенгдоши Годель билан беллашиб, 4:3 ҳисобида ғалабага эришди. Ёш қиличбознинг бу ютуғи умумий ҳисобда унинг тўртинчи ўринни олишига ёрдам берди.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА

Марказий «Пахтакор» стадионида анъанавий мусобақа —«Правда» газетаси совғаси учун кросс бўлди. Қизғин мусобақада республикамизнинг турли областларидан ва Қорақалпоғистондан жами 200 дан кўпроқ киши иштирок этди. Кишинев шаҳрида ўтказиладиган финал мусобақаларда қатнашиш учун курашган спортчиларимиз олишуви айниқса республика марказий газеталари совринини қўлга киритишда қизғин тус олди. Бунда «Совет Узбекистони» газетаси соврини Хоразм областининг хотин-қиз енгил атлетикачиларига теккан бўлса, «Правда Востока» мукофотини Тошкент области спортчилари қўлга киритишди.

ФУТБОЛ

Утган куни мухлислар яна бир ҳаяжонли халқаро учрашувнинг натижаларидан хабар топишди. Яқинда Тошкентда куч синашган Москва динамочилари Европа кубоги эгалари кубоги совғини учун курашни Берлинда давом эттиришди. Динамочиларимиз бу ерда маҳалий «Динамо» командаси билан куч синашиб, ҳисобни 1:1 қилишди. Энди финалга йўлланма берувчи такрорий учрашув 19 апрель куни Москвада ўтказилади.

ГИМНАСТИКА

Моҳир гимнастикачимиз Эльвира Саади СССР чемпионатида иштирок этиб, «Динамо» терма командасининг мамлакат биринчилигини қўлга киритишида муносиб ҳисса қўшди. Динамочи қиз Киевда ўтказилган бу мусобақада 74,2 балл билан саккизинчи ўринни эгаллаган бўлса-да, унинг ҳар бир чиқиши мухлисларни ром этди. Саади Украиннанинг «Спортивная газета»си сўврindори бўлди.

ХОККЕЙ

Бугун Чехословакия пойтахти Прагада хоккей бўйича жаҳон чемпионати бошланади. СССР терма командаси чемпионлик иштиёқида курашга шай бўлиб турибди. Хоккейдан Урта Осиёда ягона команда — Тошкентнинг «Спартак» командаси эса сўнгги учрашувни Омскнинг «Локомотив» командаси билан ўтказиб (2:2, 7:3), мавсумни 69 очко билан якунлади ва тўртинчи ўринни олди.

ШАХМАТ

Тошкентда республика XXXVII чемпионати мусобақалари бошланди. Ўзбекистон чемпионати деган шарафли ном учун тажрибали мастерлар-у ёш шахматчилар ўзаро шатранж жангига киришдилар. Шахмат тахтаси устида дона сураётганлар орасида Л. Маслов, Г. Борисенко, М. Редерфер, В. Манин, Г. Баренбойм, Д. Қаюмов, Г. Аъзамов Э. Каримов, О. Сиддиқов, А. Хан ва бошқалар бор. Чемпионат мусобақалари уч ҳафта давом этади.

М. МУҲИТДИНОВ,
СССР спорт мастери.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО

БУГУН

6.15 — Тонгги концерт, 8.25— Ватан ҳақида қўшиқлар, 9.30 — Ғижжак тароналари, 9.50 —Халқаро мавзуларда суҳбат (тожикча) 10.10 — Композитор Т. Тошматов.нинг қўшиқлари, 11.15 — Халқ контроли амалда, 11.30 — М. Магамаевнинг «НАРГИЗ» увертюраси 12.15 — Музикали адабий композиция, 13.30 — Совет композиторларининг фортепьяно куйлари, 16.10 — Ёшлар учун музикали соат, 16.50—«Правда» газеталнинг обзори, 17.00 — Музикали эшиттириш, 18.00 — Коммунистик ахлоқ ва тарбия мавзуларида, 18.10 — Ўзбек кинофильмларидан куйлар, 19.20—Талабларга мувофиқ концерт, 20.00 —Саноат ходимлари учун эшиттириш ва концерт 21.00—Қардош коммунистик партиялар ҳаётидан, 21.10 — Дала меҳнаткашлари учун кечки концерт, 21.40— Миллионлар ленинча университети, 22.30 — Радиоспектакль 24.00—Музикали программа.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

10.40 — ТОШКЕНТ. 10.45 — Янгиликлар, 10.55 — Юракка йўл (бадиий фильм). 12.30 — МОСКВА. 12.35 — Янгиликлар, 17.55 — ТОШКЕНТ. 18.00 — Пионерларнинг шон-шуҳрат эстафетаси, 18.40 — Илмий-оммабоп программа, 19.10 — АХБОРОТ, 19.25 — Сурат (теленовелла), 20.00 — «Жасорат»дала почтаси. 20.30 — АХБОРОТ, 20.45 — Дала ишлари кундалиги, 21.05 — Лирик концерт, 22.00— «Вақт», 22.30 — Қизил палатка (бадиий фильмнинг 2 серияси).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.15 — МОСКВА. 18.20 — Янгиликлар, 18.30 — Мультфильм, 19.00 — Ҳужжатли фильм, 19.20 — Концерт. 20.00 — Кинофильм, 20.30 — Телефильм, 21.35 — Музикали учрашувлар, 22.00 — Францияда Украина қўшиқлари. 22.30 — Театр ҳақида ҳикоялар, 00.15 — «Аргимчоқ», 01.00 — Ҳужжатли фильм. 01.25 — Хоккей: СССР — ГФР.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 — ТОШКЕНТ. 21.00 — Врач маслаҳати. 21.10 — Цирк (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 7/IV да **Марварид изловчилар**, 8/IV да **Князь Игорь**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ДРАМА ТЕАТРИДА — 7/IV да **Парвона** 8/IV да **Шоҳ Эдип**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 7/IV да **Ёшлида берган кўнгил**, 8/IV да **Фарғона тонг отгунча** 9/IV да **Хотинимнинг эри**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 7/IV да **Дийдор**, 8/IV да **Биринчи бўса**. 9/IV да **Беш кунлик куёв**.

КИНО

Венгер бойи — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Омадли жентельменлар — ҲАМЗА номли, «СПУТНИК» (жуфт соатларда), «ДРУЖБА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Она муҳаббати (ўзбек тилида)— НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Захар Беркут — «ЧАЙКА», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Муҳаббат фожиаси — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Еттинчи фалак — «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Россия империясининг тожи ёки яна қўлга тушмас қасоскорлар — «КУКЧА» (кундуз ва кечқурун).

Қочиш — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

«Узбекконцерт»

«БАҲОР» КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

9 апрель кундуз соат 5 ва кеча соат 8 да
ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТ УСТАЛАРИ ВА ЁШ ИЖРОЧИЛАР ИШТИРОКИДА

КАТТА КОНЦЕРТ

ҚАТНАШАДИЛАР.
Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: ҚУВОНДИҚ ИСКАНДАРОВ, Жуманазар БЕКЖОНОВ, Тамара ЮНУСОВА;
Солистлар, Ҳасан ЙЎЛДОШЕВ, Шералн ЖУРАЕВ, Азиза ТУЛАГАНОВА, Собир МАҲКАМОВ, Акбар ЙЎЛДОШЕВ.
ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ
Программани — Ғулом ТОЖИ-АЪЛОЕВ олиб боради.
Билетлар сотилмоқда.

ЖАҲОН БЎЙЛАБ

БОЛГАРИЯ. Илмий ходимлар мамлакат халқ хўжалиги тараққиётига катта ҳисса қўшмоқдалар. Инженер ва техник ходимлар илмий ишларининг 75 проценти ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда. Суратда: Алоқа илмий-тадқиқот институтининг ходимлари иш устида. Централфото — ТАСС.

ЧИЛИЛИКЛАР МЕҲМОНИ

Совет хотин-қизлар комитетининг раиси В. Николаева-Терешкова бошчилигидаги совет хотин-қизлари делегациясини чилиликлар шодуҳуррамлик билан кутиб олишди. Чили Компартияси Марказий Комитети Сиёсий комиссиясида совет делегацияси шарафига зиёфат берилди. Шундан кейин Совет Иттифоқидан келган меҳмонлар мамлакатнинг энг йирик саноат марказларидан бири бўлган Вальпараисо шаҳрини бориб кўришди. Меҳмонларни кутиб олиш муносабати билан «Веларде» театрида меҳнаткашларнинг митинги ўтказилди. Митингда шаҳар мэри В. Николаева-Терешковага Вальпараисонинг фахрий граждани олтин медалини топширди.

(ТАСС).

ЭФИОПИЯДА КЕНГАШ

Африкадаги 16 давлат вакиллари Аддис-Абеба шаҳридаги Африка уйида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Африка учун тузилган иқтисодий ижроия комитетининг навбатдаги сессиясига тўпланишди. Сессиянинг кун тартибида Африка иқтисодий комиссиясининг 1971-1972 молия йилидаги ҳисобот доклади ва бир қанча ташкилий масалалар бор. Сессия қатнашчилари ҳозирги босқичда Африканинг иқтисодий аҳволига доир проблемаларни муҳокама қиладилар. Кенгаш ишида Жазоир, Камерун, Марказий Африка Республикаси, Чад, Миср, Эфиопия, Гана, Мадагаскар, Марокаш, Нигер, Нигерия, Сенегал, Сомали, Тунис, Уганда ва бошқа республикаларнинг делегациялари қатнашмоқдалар. (ТАСС).

МУСОБАҚА КЕНГАЙМОҚДА

Қардош Монголия корхоналари ва қурилишларида янги беш йиллик иккинчи йилининг топшириқларини муддатидан олдин бажариш учун социалистик мусобақа кенг авж олиб кетди. Улан-Баторлдаги саноат комбинати камвол-мовут фабрикасининг пешқадам ишчиси Б. Гунжилам ташаббусига эргашган 35 минг нафарга яқин ишчи, инженер, ва техниклар оширилган мажбуриятлар олиб ишламоқдалар. Монголия Халқ Республикасининг меҳнат қаҳрамони А. Орногбай бошчилигида Налайха шахтасининг учинчи участкаси шахтёрлари бошлаб берган ташаббусни 200 дан кўпроқ ишлаб чиқариш коллективлари қўллаб қувватлади. Шахтада техника ва механизмлардан рационал фойдаланиш, меҳнатни яхши ташкил этиш натижасида кўмир қазиб чиқариш бир неча баравар кўпайди.

Планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системаси кенг жорий қилинмоқда. Кўпгина корхоналарда фан ва техника, рационализация ва ихтирочилик бюролари тузилди. Шу йилнинг ўзидагина пландан ташқари 37 миллион тугрикликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилади. Қурилаётган 130 та объект муддатдан олдин ишга туширилади.

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

АДДИС-АБЕБА, 5 апрель. (ТАСС). Эфиопияда чиқадиган «Аддис суар» газетасининг редакцион мақоласида СССР билан Эфиопия ўртасида дўстлик алоқалари кўп вақтлардан бери давом этиб келмоқда, бу дўстлик бундан буён ҳам самарали ривожланавераді, дейилади.

Эфиопия билан СССРнинг маориф соҳасидаги муносабатлари ривожланиб бораётганлиги туфайли Эфиопия гражданларининг кўплари Совет Иттифоқида ўқиб олий техника таълими олдилар ва ҳозир халқ хўжалигининг турли соҳаларида муваффақиятли меҳнат қилмоқдалар. СССР Бахрдарда қуриб Эфиопияга тўҳфа қилган политехника институти, деб ёзади газета, Эфиопия саноати учун ёш кадрлар тайёрлаб берувчи чинакам манбага айланди.

УЛКАН ОЛМОС ТОШ

Сьерра Леонеда бир неча ўн йиллардан бери олмос қазиб олинмоқда. Бу мамлакат тупроғидан қазиб олинган жуда кўп яркироқ тошлар турли-туман заргарлик дўконларининг чинакам безагига айланди. Сьерра леонеликлар олмос тошга кўникиб қолишган бўлса ҳам, яқинда Энгем районида топилган ноёб олмосни кўриб ҳангу-манг бўлиб қолдилар. Товуқ тухумидан кичикроқ бўлган бу тошнинг вазни 969,1 карат келади. Мутахассисларнинг дастлабки баҳоларига қараганда унинг нарҳи 3 миллион фунт стерлингдан ошади.

Бу улкан олмос тошнинг топилганлиги тўғрисидаги хабар Сьерра Леоне жамоатчилигини чексиз суюнтирди. Лекин кишилар бу қиммат баҳо тошнинг тақдири тўғрисида жиддий бош қотира бошлашди. Гап шундаки, 1955 йили Сьерра Леонеда шундай бир тош топилган эди. Англиянинг «Селекшн траст» компанияси топган бу олмоснинг вазни 770 карат бўлиб, у Сьерра Леоне халки номидан Англия қироличасига «ҳадя» қилинган эди. Шу кунларда республика президенти Сиака Стивенс «Сьерра Леоне юлдузи» деб ном қўйган янги топилган олмос тош теварагида ажнабий олмос жаллоблари доирасида бўлаётган шов-шувлар улар қандай бўлмасин тошни қўлга киритиш ниятида эканликларини кўрсатиб турибди. Аммо ҳозирги пайтда аҳвол бутунлай бошқача — Сьерра Леонеда олмос қазиш ишлари миллий компания қўлига ўтган. Шунинг учун ҳам янги олмос «Сьерра Леоне ҳукумати ва халқининг мулки бўлиб қолмоғи керак» деб ёзди «Дейли мел» газетаси. (ТАСС).

ЖАНУБИЙ ВЬЕТНАМДА ЖАНГЛАР

ХАНОЙ. (ТАСС). Америка интервентчилари Жанубий Вьетнамдаги ҳаво урушини тобора кенгайтирмоқдалар.

Тонкин кўрфазида турган Америка 7-флотининг ҳозир учта авианосеци ва бешта эсминци, шунингдек бошқа бир қанча кемалари бор. Японiядан тезлик билан Вьетнам соҳилларига юборилган тўртинчи «Констеллейшн» авианосеци етиб келиши билан шу районда ҳаракат қилаётган Америка самолётларининг сони 400 тага етади.

Жанубий Вьетнам ватанпарварлари назорат қилиб турган районларга АҚШнинг тактик авиацияси кейинги икки кун ичида 260 мартадан кўпроқ ҳужум қилди. Стратегик «В-52» бомбардимончи самолётлар Куангчи вилояти территориясига бир неча марта ҳужум қилиб беш юз тоннага яқин бомба ташлади. Самолётлар бомбардимон қилиб бўлганидан кейин Америка — Сайгон қўмондонлиги Донгханнинг 12 километр шарқи-шимолига кемаларда уч минг солдатни олиб келиб десант туширди.

Шунга қарамай, ватанпарвар кучларнинг кўшинлари назорат қилиб турган территория тобора кенгайтирилмоқда. Ашау водийсида шиддатли жанглар бўлиб турибди. Жанубий Вьетнам халқ озодлик қуролли кучлари қўшинларининг жангчилари Хюэ шаҳрига яқинлашиб келмоқда. Хюэ яқинида бўлаётган жангларда, дейилади Озодлик матбуот агентлигининг хабарида, ватанпарварлар 20 мартдан 2 апрелга қадар душманнинг 1200 нафардан кўпроқ солдат, офицерини ўлдирдилар, жароҳатлантирдилар ва асир олдилар, 18 самолётини уриб туширдилар, 19 та ҳарбий машинани, шу жумладан 15 та танк ва бронетранспортерлар н и яксон қилдилар.

ТУҲМАТЧИЛАР

(САН-ХОСЕДАН РЕПОРТАЖ)

Анжела Дэвис «ишқ» деб аталган иш юзасидан Сан-Хоседа уюштирилган ва АҚШ учун шармандали бир суд ҳомхатала инсценировкага кўпроқ ўхшаб кетади. Чунончи, ҳеч ҳам омади келмаган «режиссер» — прокурор А. Харрис айбловчилар танлаб олган гувоҳ — актерлардан ҳалиги сохта сценарий бўйича бирон ишонтирарли ўйин чиқазишга қодир бўлмай турибди. Гувоҳлар ё энг оддий саволларга ҳам чалкаш жавоб беряптилар, ёки лом-мим демай туриб оляптилар.

Хўш, процессниг мана шу босқичида айбловчилар нимага куч-ғайрат сарфлашяпти? Прокурор Харрис Анжела Дэвиснинг қотилликка бирон йўсинда «алоқадорлиги»га заррача бўлсада исбот тополмай (ҳолбуки тафсилий «айбнома»нинг асосий моддаси мана шундан иборат) ўзининг бутун ожиз режиссерлик қобилиятини биринчидан, процессниг сиёсий моҳиятини иложи борича хаспўшлашга, иккинчидан эса, залда жўрттага васвасали бир вазиятни вужудга келтириб туришга қаратмоқда.

А. Харрис суд ҳайъатига «Анжела Дэвис иши»ни қандай қилиб тушунтираётганлигига бир қаранг.

Муқаддима учун прокурор 1970 йил 7 август куни Сан-Рафел шаҳридаги судда рўй берган фожиавий отишув тўғрисида узундан узоқ гапириб берди. Маълумки, ўша куни ғиётв негрлардан бир группаси қамоққа олинган ўртоқлари — Жеймс Макклейн, Уильям Кристмас ва Рашелл Магини қурол ёрдамида озод этмоққа қатъият билан уринган эди. Прокурорнинг сўзларига кўра, ана шу уриниш қатнашчилари судьяни, прокурор ёрдамчисини ва жюри ҳайъатидан уч кишини гаровга олиб, кейинчалик уларни қамоқдаги «соледадлик уч оғаини» — негр революционерлари Жорж Джексон, Жон Клатчетт ва Флит Драмголларга «алмаштириш» ниятида ҳам бўлган.

Аммо ўша прокурор Харрисниг ўзи «7 август тўқнашуви» фожиали оқибатларини жуда бўрттириб баён қилиб бермоқда. Ўшанда Жорж Джексоннинг укаси 17 яшар Жонатан Жексон, судья Г. Лейли ва Ж. Макклейн ҳалок бўлган эдилар.

Мана шу бебурд айбловни исбот қилмоқчи бўлаётган наиношуд прокурор ва на у судга чақираётган 104 нафар «гувоҳлар»нинг дастлабкилари гапни гапга қовуштиришни ҳеч уддалай олмаяптилар.

Анжела Дэвис қуролни Калифорниядаги мавжуд қоидаларга мувофиқ қонуний асосда ва ўзига таҳдид қилган калифорниялик жаҳолатпарастлардан ўзини ҳимоя қилиш мақсадлари билангина харид қилганлигини ҳатто прокурор Харрис ҳам эътироф этишга мажбур бўлмоқда. «Ҳаётимда мендан жисмоний ўч олмоқчи бўлиб юзлаб ва минглаб марта таҳдид қилингандир, — деди судда Анжела Дэвиснинг ўзи. — Қўшма Штатларнинг жанубида ўсган негр қиз қуролсиз юриб бўлмаслигини яхши билади. Омон қолиш учун менда қурол бўлиши керак эди».

Ниҳоят, Анжела Дэвис ўзига қарашли қуролни жиноят қилиш учун бирон кишига атайин бериши мумкинлигини «исбот этувчи» бирон шамана айбномада ва на гувоҳларнинг айтганларида топилмайди. Шуниси жуда муҳим, Чунончи, 7 август куни Сан-Рафелдаги суд залига Жонатан Жексон кўтариб келган портфелдаги китобларни Анжела Дэвис уйида тез-тез бўлиб турувчи йигитча қиздан рухсатсиз бир неча марта олган.

Суд процессининг икки куни давомида айбловчининг дастлабки учта гувоҳи Сан-Рафелдаги 19 секундлик отишманинг бутун фожиавий тафсилотларини судга айтиб берди. Прокурор гувоҳларни қистай бериб, натижада улардан ҳатто дастлабки тергов вақтида билмаган «тафсилотлар»ни ҳам билиб олди.

Хўш, пировард натижада прокурор нимани исбот қилишга муваффақ бўлди? Илгари маълум бўлган ва ҳеч ким рад этмаган факт, яъни 1970 йил 7 августда бўлган отишма фактигина исбот қилинди. Бу отишманинг Анжела Дэвисга на бевосита ва на билвосита заррача алоқаси бўлмаган ва алоқаси йўқ.

Прокурор А. Харрис атайлаб ёзилган сохта сценарий асосида қўйган майнавозчилик ҳозирча авторлар кутгандек фойда бермай турибди.

Э. БАСКАКОВ.
(ТАСС мухбири).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◆ ПАРИЖ. Франция министрлар кенгаши шу йил 23 апрелда Францияда референдум ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди. Французлар бу референдумда Буюк Британияни ва бошқа мамлакатларни Европа иқтисодий бирлашмасига қабул қилиш йўли билан бу бирлашмани кенгайтириш тўғрисидаги шартномага қандай қараётганликларини изҳор қилишлари лозим.

◆ ГАВАНА. Куба Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари, Революцион қуролли кучлар министри Рауль Кастро Куба Компартияси Марказий Комитетининг таклифига биноан бу ерда меҳмон бўлиб турган АҚШ Компартияси делегацияси билан учрашди. АҚШ Компартияси делегациясига Компартия Бош секретари Гэс Холл бошчилик қилмоқда.

◆ СОФИЯ. Бу ерда Георгий Димитровнинг Лейпциг судида кўрсатган мардлиги ва саботматонати тўғрисида ҳикоя қилувчи янги ҳужжатли фильм кўрсатилди. Фильмнинг сценарияси Германияда 1933 йилдаги сиёсий вазиятни ва суднинг бориши-ни тасвирловчи ҳужжатли материаллар асосида яратилган. Болгария ҳужжатли кино мутахассисларининг ана шу янги фильми Болгария ва халқаро коммунистик ҳаракатнинг атоқли арбоби туғилган кунининг 90 йиллигига бағишланган.

◆ ПРАГА. Прагадаги Чехословакия — Совет дўстлиги Иттифоқининг виставка залида СССР ташкил топган кунининг 50 йиллигига бағишланган кўргазма очилди. Кўргазмага қўйилган фотосуратлар совет кишиларининг меҳнат зафарларини ва дам олишларини тасвирлайди.

◆ ВАШИНГТОН. АҚШ давлат секретари У. Рожерс эълон қилган баёнотда айтилишича, Қўшма Штатлар Бангладеш Халқ Республикасини таниган.

◆ ОТТАВА. Кубанинг Монреалдаги савдо корхонасига қарши қабиҳ ирвогарлик қилинди. Номаълум кишилар ваколатхона биносининг тагига портловчи аппарат қўйган эканлар. Кубага қарши қилинган мана шу қабиҳ ирво натижасида жуда қаттиқ портлаш рўй берди. Портлаш туфайли ваколатхонанинг бир ходими ўлди, етти киши оғир яраланди. Ваколатхона биноси батамом вайрон бўлди. Полиция тергов ўтказмоқда. (ТАСС).

ЎРТА ОСИЕ ГИРДОМЕТЕОРОЛОГИЯ РЕГИОНАЛ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

лаборатория мудирлари (фан докторлари ва кандидатлари): халқ хўжалигини гидрометеорология маълумотлари билан таъминлаш ва иқтисодий самарадорлик, иқлим, атмосфера оптикаси, қор уюмлари ва тармоқларга методик раҳбарлик қилиш;

катта илмий ходимлар (фан кандидатлари, олий маълумотга эга бўлган юқори малакали мутахассислар): оператив гидрогеологик прогнозлар ва информация лабораторияси, (2 ўрин), ташқи муҳитнинг ифлосланишини ўрганиш бўлими, музликлар лабораторияси, Душанба шаҳридаги дўл процесслари лабораториясига;

кичик илмий ходимлар (фан кандидатлари, олий маълумотга ва ихтисос бўйича камида бир йиллик иш стажига эга бўлган мутахассислар): халқ хўжалигини гидрометеорология маълумотлари билан таъминлаш ва иқтисодий самарадорлик лабораторияси, синоптик текширишлар бўлими, иқлим бўлими, ташқи муҳитнинг ифлосланишини ўрганиш бўлими (2 ўрин), прогнозларнинг гидродинамик методлари ва объектив анализ лабораториясига (5 ўрин).

Конкурс муддати — 1 майгача.

Ҳужжатлар институт директори номига қуйидаги адрес бўйича юборилсин: Тошкент ГСП. Астрономическая кўчаси, 31-уй. Телефонлар: 35-43-91 33-61-13.

Узбекистон ССР Фанлар академиясининг

БОТАНИКА ИНСТИТУТИ

вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

агрохимия мутахассислиги бўйича геоботаника лабораториясига кичик илмий ходимлар.

Конкурс муддати — 29 апрелгача.

АРИЗА ВА ҲУЖЖАТЛАР: 700143. Тошкент шаҳри, Академиклар шаҳарчасига юборилсин.

Узбекистон ССР Министрлар Советининг Кинематография бўйича Давлат комитети Ўзбекистон Кинематографчилар союзи. Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Ўзбекфильм» киностудияси, Ўзбекистон илмий-оммабоп ва хроникал-ҳужжатли фильмлар киностудияси Ўзбекистон кинематографиясининг кекса ходими, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими

Аъло Хўжаевич ЭШОНХЎЖАЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдирадилар ва марҳумнинг оиласига таъзия изҳор қиладилар.

Узбекистон ССР Социал таъминот министрлиги Республика миқёсидаги шахсий пенсионер, 1929 йилдан буён КПСС аъзоси

Ҳалима КАЗАКОВАнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдиради ва марҳумнинг оиласига таъзия изҳор қилади.

Узбекистон ССР Министрлар Совети Радиоэшиттириш ва телевидение Давлат комитети коллективи Самарқанд область радиоэшиттириш комитетининг раиси

Раҳмат АКРОМОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдиради ва марҳумнинг оиласига таъзия изҳор қилади.

Узбекистон ССР Социал таъминот министрлиги Республика миқёсидаги шахсий пенсионер, 1939 йилдан буён КПСС аъзоси

Мамадали ШАМСИБОЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдиради ва марҳумнинг оиласига таъзия изҳор қилади.

Республика «Билим» жамиятининг правленнеси ва Узбекистон ССР «Билимлар уйи» Ўзбекистон киносаёҳатчилар клубининг раиси, кинорежиссёр Б. Хўжаевга отаси

Аъло Хўжаевич ЭШОНХЎЖАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: 700000 ГСП. ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ № 26. Редактор — 336545, Редактор ўринбосарлари — 337914, 330683. Масъул секретарь — 334455, Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283, Партия турмуши — 333469, 337221, Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331455. Халқаро ҳаёт — 337221. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 334780, Совет қурилиши — 333258, Қишлоқ хўжалиги— 337604. Адабиёт ва санъат — 332036. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451, Маҳаллий ахборот ва спорт — 331424, Оммавий ишлар ва хатлар — 332143, 333553. Иллюстрация — 334524, Стенографистка — 337343, Корректура — 337162, Эълонлар — 338142, Коммутатор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ, Андижон — 48—85, Бухоро — 3—31—42, Қарши — 38—42, Самарқанд — 31—972, Термез — 54—01, Урганч — 34—55, Фарғона — 4—29—44.

Б. 82. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64697. Р. 03367.